

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

«Зоотехния» кафедраси

Бакалавриат 5620600 «Зоотехния» (тармоқлар бўйича) йўналиши

4-94 гуруҳ талабаси

Мирхабибов Шоасрор Шокирович

БИТИРУВ

МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Польшадан келтирилган голштин зотиға мансуб сигирларнинг
сут маҳсулдорлиғига этувчи омиллар.

Илмий раҳбар:

«Зоотехния» кафедраси

доценти қ.х.ф.н.

Акмалхонов Т.Ш.

“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

Зоотехния кафедраси мудири, Зоотехния факультети декани,

доцент _____ Амантурдиев.Ғ.Б.. доцент _____ Балласов У.Ш.

2014 йил «__» _____ 2014 йил «__» _____

Тошкент 2014

М У Н Д А Р И Ж А

I.Кириш.....	3
II.Адабиётлашарҳи.....	6
III.Асосий қисм.....	26
3.1. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.....	26
3.2. Тадқиқотлар ўтказиш манбаи ва услуги.....	27
3.3« Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида тавсиф.....	27
3.4.Соғинсигирларниозиклантиришваасраш.....	29
3.5. Сигирлар экстерьер кўрсаткичлари.....	35
3.6. Озуқаларнинг химиявий таркиби.....	39
3.7. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги.....	40
3.8.Сигирлар қонининг клиник ва биохимиявий кўрсаткичлари.....	44
IV. Сигирларни озуқани сут билан қоплаш хусусиятлари.....	46
V. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги.....	47
VI.Хулосалар.....	48
VII.Ишлабчиқаришга таклифлар.....	49
VIII.Фойдаланилган адабиётлар.....	50
Илова.....	53

I. Кириш

Мавзунинг долзарблиги Республикамиз аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эhtiёжини қондириш мақсадида, ҳукуратимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ошириш каби вазифаларни белгилаб қўйилган. Бу вазифалар ҳукурат томонидан қабул қилинган қарорларда ўз аксини топган. 2008 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги 842 сони қарорида батафсил кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида унинг бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобларида кўрсатилган йўриқлар, омиллар, амалга ошириш бўлган чора-тадбирлар қишлоқ хўжалигининг ривожлантириш бўйича дастури амал бўлиб келмоқда ва ижобий натижалар бермоқда.

Чорвачилик соҳаси ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Чорвачиликдан олинадиган маҳсулотлар инсон ҳааётида муҳим ўрин эгаллаши ҳаммамизга маълумдир. Республикамизнинг барча вилоятларида чорвачилик учун иқлим шароити мос келади ва континенталдир. .

Хусусан мустақиллигимизнинг шарофати билан республикамизда чорвачиликни ривожлантириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Бу билан республикамиз ички бозорини керакли бўлган сут-гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш ва иқтисодий катта фойда кўришдир. Қолаверса жаҳон бозорига экспорт даражасини ошириш ҳам эътибордан четда эмасдир. Чорвачилик соҳаси мамлакатимизда ҳазирги пайтда аҳоли учун анча имкониятлар яратди.. Бу эса ўз-ўзидан кўриниб турибдики, чорвачиликнинг ривожланиши ва чорвачилик маҳсулотлари яхши сифатли етказиб берилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида қорамолларнинг асосан қорала, швиц, бушуев ва қизил чўл зотлари кенг тарқалган кўпайтирилмоқда.

Ушбу қорамол зотлари ҳар томонлама бизнинг иқлимимизга ўрганган ва иқлимлаштирилгандир. Кейинги пайтда янги тузилган фермерларимиз яхши зотли қорамол зотларини Германия, Украина ва бошқа чет мамлакатларидан олиб келинмоқда. Бугунги кунда республиканинг барча тоифа хўжаликларда 10миллион 447минг 500бош қорамоллар парвариш қилинмоқда жумладан, сигирлар сони 4миллион 84минг бошни ташкил этади. Республикадаги мавжуд қорамолларнинг насл ва маҳсулдорлик курсаткичларини яхшилаш мақсадида Белоруссия, Украина, Польша, Германия, Голландия, Козогистон, АКШ ва Исроил давлатларидан охирги саккиз йил мобайнида 34минг 927бош насли қорамоллар олиб келинган. Улардан шу кунгача 77 минг 838бош насли бузоқ олинди. Туккан сигирларнинг ҳар бирдан бир кеча-кундузда 18-20литр сут соғиб олинмоқда. Бундай серсут ва гўштдор сигирлардан албатта наслчилик ишларини ва сердаромад маҳсулотлар етиштиришда кенг кўламда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. «Ўзнасилчилик» корхонаси молиявий кредитлар ҳисобидан замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Шуниндек, жаҳон генофондидан самарали фойдаланиш мақсадида охирги беш йилда четдан 87 бош насилдор букалар ва 600 минг 500доза насилдор букаларнинг музлатилган уруглари олиб келиниб, шахсий ердамчи дехкон ва фермер хўжаликларидаги 1миллион 920минг бош моллар сунъий уруглантирилиб, наслчиликни такомиллаштиришга эришилган. Мустаҳкам озиқа базасини яратиш долзарб ҳисобланади.. Қайд қилинган мулоҳазалардан келиб чиқган ҳолда Ўзбекистонда кенг миқёсда урчитилаётган чет келтирилганголштин зотига мансуб сигирларининг сут маҳсулдорлигини оширишда, уларни асраш. озиқлантириш, уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш каби муамоларни ечимини ҳал қилиш катта аҳамият касб этади.

II. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Қорамолларнинг сут маҳсулдорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар

Сигирларнинг маҳсулдорлиги улардан бир даврда соғиб олинган сутнинг миқдори ва сифати билан характерланади. Сут бериш даври турлича ҳисобга олинади. Жумладан, 305 кунлик соғим даври ёки бу муҳлат 250 дан 365 ва ундан ортиқ кун бўлиши мумкин. Сутнинг таркибий қисмини инобатга олганимизда, унда ёш моллар организми учун керакли ва нормал ўсишни таъминлайдиган енгил ҳазм бўлувчи ва тўйимли моддалар мавжуд. Сутнинг инсон учун енгил ҳазм бўлувчи ва тўйимлик озиқа сифатли қиймати унинг таркибида бўлган юқори миқдордаги оқсил, шакарлар, сут ёғлари шунингдек яхши эрувчан витаминлар, ферментлар ҳамда кальций, фосфор ва бошқа минерал моддалар билан белгиланади.

Шунинг учун ҳам сут маҳсулотлари инсон учун айниқса, ёш болалар, қариялар ҳамда ошозон –ичак касаллигига дучор бўлган беморларга зарур озуқа бўлиб ҳисобланади. Сут таркибига кирувчи оқсил, ёғ фермент ва минерал моддалар ўзларининг тўйимлилик даражаси ва енгил ҳазм бўлиши билан бошқа озиқалардан устун туради. Сутнинг таркиби жумладан, сигир сути ўзининг таркибий қисми билан қўй, эчки туя ва бияникидан кескин фарқланади. Қўй, туя ва бия сутлари махсус сут маҳсулотлари –бринза, шубат ва қимиз тайёрлашда фойдаланилса, сигир сути соф ҳолда ичиш, сариқ ёғ ва бошқа бирқанча маҳсулотлар олишда ишлатилади.

Қорамоллар ўзаро бир-биридан сут маҳсулдорлиги бўйича фарқ қилади. Сигирлар маҳсулдорлиги кўпинча уларнинг зотиغا, озиқлантириш меъёри ва тури, сақлаш ва парваришлаш шароитларига боғлиқ бўлади. Ҳаттоки, бир хил шароитда боқилаётган бир хил зотга мансуб бўлган сигирлар ҳам маҳсулдорлиги билан бир-бирларидан фарқланади. Бундай фарқланишни сигирларнинг индивидуал, яъни ўзига хос бўлган хусусиятлари ҳамда унинг ирсий омиллари билан тушунтириш мумкин.

Сутнинг кимёвий таркиби ва тўйимлиги юқорида келтирилган кўпчилик омилларга боғлиқ бўлиб, ҳар хил зотларда ўзига хос равишда ўтади.

Ҳар хил зотларга мансуб бўлган сигирлар сутининг кимёвий таркиби
(К.М.Маркова ва Ш.А.Акмалхонов маълумотлари бўйича)

Зотлар	Лактация давомидаги сут миқдори кг	Сутнинг таркиби %				Оқсилнинг 100 грамм ёғга бўлган нисбати, г	Бир кг сутнинг тўйимлиги, ккал
		Қуруқ модда	ёғ	Оқсил	Сут шакар		
Қора- ола	4250	12.18	3.42	3.25	4.90	95.0	704
Холмагор	4850	12.53	3.68	3.28	4.95	89.1	733
Қизил чўл	3396	12.68	3.82	3.48	4.66	91	744
Жерсей	3038	15.40	5.87	4.08	4.78	69.5	981
Кострома	4960	13.09	3.88	5.56	5.12	91.6	774
Симментал	3502	12.73	3.89	3.32	4.80	85.3	749
Бушуев	3200	12.80	4.10	3.60	5.10	87.8	-
Қора-ола	3800	11.80	3.40	3.20	5.20	94.1	-
Швиц	3000	13.40	4.00	3.50	5.20	87.5	-

Сутнинг таркиби ва тўйимлилик қиймати сигирларнинг сут бериш даври, саломатлиги, озиқлантириш меъёри ва турига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Шу пайтда ёғ миқдори турли зотли сигирларда 3.0 дан 6.0 % гача бўлади.

Сутнинг таркибида оқсил миқдори молнинг зотига қараб, 3.2 дан 4,0 % гача бўлади. Унинг таркибидаги казеин миқдори эса жамики оқсил моддаларининг 80 % ига тенг. . Сут таркибида карбондан сут шакари ёки лактоза мавжуд. Бактериялар сутнинг таркибидаги лактозани бижғитиб, унинг кислотага айлантиради. Бу сутнинг ўзига хос хусусиятларидан бўлиб, ундан қатиқ тайёрлашда фойдаланилади.

Сут таркибида ёғда осон эрувчан А,Д,Е,К витаминлардан ҳамда сувда эрувчилардан С,РР ва В гуруҳига кирувчи витаминлар мавжуд. Академик

Ш.А.Акмалхоновнинг маълумотига кўра, кора-ола зотли сигирлар сутининг 1 литрида қуйидаги миқдордаги витаминлар мавжуд: А витамин- 130-150 микрограмм; Е 700-900 микрограмм; Д-0.07 микрограмм; К-1000 шартли бирликда: РР- 1500-1700 микрограмм; В-700-900 микрограмм В₂- 900-2000 микрограмм; В₆-155-760 микрограмм.

Қорамолларнинг сут маҳсулдорлиги, унинг таркибий қисми, ҳар хил таъсирлар асосида ўзгариши ва сутчиликнинг назарий ва амалий асослари мустақил илмий йўналишни ташкил этади. Бу борада Ўзбекистон чорвачилик фанига улкан илмий мактабини яратган академик Ш.А. Акмалхоновни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Бу олим сутчилик фанининг Ўрта Осиё минтақасига хос бўлган назарий асосларини ишлаб чиққан ва амалиётга кенг тадбиқ қилган.

Сутнинг ҳосил бўлиши. Сутнинг елинда ҳосил бўлиши сут безлари билан бир қаторда бошқа аъзо ва тизимларга ҳам боғлиқ. Безларнинг фаол ишлаб туришида, айниқса, марказий нерв ва ошқозон –ичак тизимлари, қон айланувчи аъзолар ҳамда ички секреция безларининг аҳамияти катта. Елинда сутни ҳосил бўлиши нерв ва гуморал тизимлар томонидан бошқарилади.

Сигирлар туққандан сўнг, биринчи навбатда оғиз сути пайдо бўлади ва 8-9 кун давомида аста-секин сутга айланади. Оғиз сути ўзининг кимёвий таркиби, қуюқлиги ва қисман шўрроқ бўлишлиги билан соф сутдан фарқланади. Унинг оддий сутдан яна бир фарқланиш хусусияти шундаки, уни қайнатиш пайтида сут палласига айланади.

Сут бериш тезлиги ирсий белги ҳисобланади. Шунинг учун молларни сут бериш тезлиги бўйича танлаш, саралаш илмий ва амалий аҳамиятга эга. Сигирларни елин хусусиятлари бўйича саралаб бориш маҳсулдор сигирлар подасини шакллантиришга имкон беради. Шундай қилиб, сутнинг елиндан ажралиб чиқиши нервно рефлекс ва нейро гуморал жараёнлар таъсирида бўлиб, уни тўлиқ соғиб олишда мақбул шароитни яратиш, СОФИМ

техникасини тўғри қўллаш ҳамда мавжуд СОҒИШ аппаратларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Лактация даври. Сигир тукқанидан бошлаб, то яна кочиб буғоз лигида дам олишга чиқиб кетганигача бўлган оралик сут бериш ёки лактация даври деб юритилади. Бу оралик СОҒИШ даври деб аталса ҳам бўлади. Шунинг учун сут безлари бошка безларга ўхшаб доимо ишламай, фақат СОҒИМ ёки лактация давридагина ишлаб туради.

Йил давомида сигирларнинг физиологик ҳолатида бир неча давр ксчади. Шулардан биринчиси — буғозликнинг иккинчи ярми якунидаги дам олиш даври. Буғозликдаги дам олиш даври сигир сутдан чиқарилиб, то тукқанигача бўлган оралик ҳисобланади. Иккинчи давр — сервис даври. Бу сигир тукқандан бошлаб, то қочиб уруғланган вақтгача бўлган оралик кунлари. Учинчи давр СОҒИМ ёки лактация давридир.

Ишлаб чиқариш амалиёти ҳамда молларнинг нормал физиологик ҳолати учун юқорида келтирилган даврларнинг ўртача даво-мийлиги белгилаб олинган. Жумладан, дам олиш даври 45-65 кун бўлишлиги маъқул. Сервис даврининг давомийлиги сигирларнинг маҳсулдорлигига караб, 30-60 кун бўлиши керак. Бу давр чўзилиб кетиши сигирларнинг қисир қолишга олиб боради. Биринчи даврнинг камайиб ёки узайиб кетиши сигирнинг сут маҳсулдорлигига ҳамда саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Соғим даври 300-305 кун ва дам олиш даври 50-65 кун бўлганда сигирлардан ҳар йили бузоқ олиш мумкин.

Лактация давомида сигирлардан соғиб олинадиган кунлик ва ойлик сут миқдори бир хил бўлмайди. Сигирлар тукқанидан сўнг орадан 7-8 кун ўтгач, улардан соғиб олинадиган сут аста-секин кўпайиб, 80-100 кун оралерида максимал даражага кўтарилади. Бу кўрсаткич маълум бир давр ичида (60-90 кун) сақланиб туради. Лактациянинг охирига бориб сут бериш меъёри пасая боради. Унинг пасайиши ҳар хил сигирларда ҳар хил ўтади. Лактация даврида бир кунлик, ун кунлик ва бир ойлик сут ажралиш меъёридаги ўзгаришларни график шаклида СОҒИМ эгрилигида кўрсатиш

мумкин. Лактация эгрилиги ҳар хил сигирларда турлича бўлади. Бир хил сигирларда кунлик СОҒИМ миқдори лактация давомида кам ўзгаради, бошқаларида эса юқори даражада ўтади. Лактация эгрилиги сут маҳсулдорлиги даражаси, молларнинг шахсий хусусиятлари, физиологик ҳолати ва шунингдек, озиқлантириш ҳамда сақлаш шароитларига боғлиқ шаклланади.

Чорвачилик ривожланган мамлакатларда сигирлар маҳсулдорлиги ва уларнинг кунлик максимал соғимини рекорд даражага етказган селекцион ютуқларни кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, Исроил, АҚШ, Голландия ва бошқа давлатларда лактация давомида 15-18 минг килограмм ва ундан ҳам юқори сут берадиган сигирлар яратилган. Кубада парвариш қилинган "Окелин" лакабли голштин-браман дурагай сигирининг бир кунда берган энг юқори сут миқдори 116 килограммни ташкил қилган. Бундай сигирлар юқори турғунликдаги лактация фаолияти билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистонда парвариш қилинаётган қора-ола ва швиц зотли сигирларнинг лактация давридаги сут маҳсулдорлиги 9-10 минг килограммга ва уларнинг кунлик максимал СОҒИМ и 50-60 килограммгача етказилган. Республикамизнинг кўпчилик фермер хўжаликларида юқори маҳсулдорлиги ва юқори турғунлик лактация фаолиятига эга бўлган сигирлар урчитилмоқда.

Шундай қилиб, лактация давридаги сигирларнинг физиологик ҳолатларидан тўғри фойдаланиш сигирларнинг максимал кунлик сут миқдорини кўтариш ва уни лактация давомида юқори меъёردа сақлаб туришни таъминлайди. Шу кўрсаткичлар бўйича сигирларни танлаб олиш ва уларни саралаш ишларида самарали фойдаланиш ялпи сут маҳсулдорлигини кўтаришга имкон беради.

Сут маҳсулдорлигининг ирсиятлиги ва ўзгарувчанлиги

Сигирларнинг сутдорлиги ва сут таркибининг наслга ўтиши ўта мураккаб бўлиб, ҳозиргача мукамал текширилмаган. Тадқиқотнинг мураккаблиги шундаки, сутдорлик жамики организм фаолиятининг маҳсулидир. Бундан ташқари сигир маҳсулдорлигига ирсий характерга хос бўлмаган кўп омиллар таъсир қилади. Кўпгина тадқиқотларнинг натижасига кўра сигирлар сутдорлиги, сут таркибидаги ёя ва оқсил миқдори ирсиятлик белгиси ҳисобланади. Чунки турли зотларга мансуб сигирларнинг сутдорлиги ва сутнинг таркиби хилма-хил бўлади. Худди шунга ўхшаш фаркланиш ҳар хил буқалар авлодида, уларнинг тизимлари, сигирлар оилалари ва ҳаттоки бир зотга мансуб бўлган, бир хил шароитда боқиб парвариш қилинган сигирлар ўртасида ҳам кузатилади. Н.И.Стрекозовнинг маълумотиغا кўра холмагор зотли қорамолларни жерсей зоти билан чатиштиришдан олинган дурагайлари сут таркибида еғ ва оқсил миқдорининг наслга ўтиш меъёри (47,8 ва 48,3%) ўртача бўлган. Молларни чатиштирганда ёки жуфтлаштирганда белгининг оралиқ. наслга ўтиш характери кўпинча ўзгаради. Бу ўзгарувчанлик сигир ва буқаларнинг ирсиятига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Сут маҳсулдорлиги даражаси молларнинг ирсиятига, зотига, физиологик ҳолатига, озиқлантириш ва сақлаш шароитларига ва улардан фойдаланишга боғлиқ ҳолда ўзгаради. Сут маҳсулдорлигига таъсир этувчи физиологик омиллардан энг муҳимлари-молларнинг ёши, лактациянинг давомийлиги, бўғозлиги, жинсий цикллари ва ҳоказолар. Ташқи муҳит шароитида соғимга таъсир этувчи омиллардан озиқлантириш, сақлаш, ҳаво ҳарорати ва намлиги, сигирнинг туғиш мавсуми, техникаси ва бошқаларни келтириш мумкин. Бу омиллар алоҳида-алоҳида ёки биргаликда таъсир кўрсатади.

Ирсиятликнинг таъсири. Организмдаги ҳар қандай белгининг ривожланиши ирсиятлиги ва ҳаёт шароити билан белгиланади. Сон кўрсаткичлари (маҳсулдорлиги, сутнинг таркибидаги ёға оқсил, тирик

вазни ва бошқалар) белгиларининг фенотипик хилма-хиллиги молларнинг ирсиятига ва яшаш шароитининг мураккаб бирликдаги таъсирига боғлиқ.

Организм ривожланишини ирсиятлик белгилаб берса, яшаш шароити уни бажо келтиради. Маълумки, молларда бир хил ирсиятлик бўлсада, лекин ташқи муҳит таъсирида (озиклантириш ва сақлаш) белгиларнинг шаклланиши турлича. Жумладан, бир хил сигирларнинг сут миқдори ошиши билан унинг таркибидаги ёғ ва оксил меъёри камаяди, бошқаларида эса бу кўрсаткичлар биргаликда кўтарилади ёки бир меъёрда туради. Шундай сигирлар борки, рекорд даражадаги сут миқдори билан биргаликда сутининг ёғлилик меъёри юқори бўлади. Жумладан, голштин зотига мансуб бўлган «Бризвуд Пейси Бар Понтиак» лақабли сигир лактация давомида 20539 кг сут берган ва унинг ёғлилик даражаси 4,85 фоизга тўғри келган. Ўзбекистоннинг "Савай" наслчилик заводида парвариш қилинган швиц зотига мансуб бўлган «Астра № 2128» лақабли сигирнинг иккинчи соғим даврида берган сут миқдори 10269 кг ва ёғлилик даражаси 4,57 фоизга тенг. «Чиноз» совхоз-техникумига карашли «Елка № 474» лақабли сигир иккинчи лактация даврида ёғлилик меъёри 3,9 фоизга тенг бўлган 11275 килограммли сут берган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, подада ёғ ва окўсил миқдори юқори бўлган серсутли сигирларнинг мавжудлиги сермахсул моллар, буқа тизимлари ва сигирлар оиласини яратишга имкон беради. Ўзбекистонда корамолчиликни ривожлантириш, наслчилик-селекция ишларида молларнинг юқори маҳсулдорлик ирсий хусусиятларидан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Зотнинг таъсири. Қорамол зотлари ўзининг шаклланиш ва камол топиш жараёнида қатор биологик ва хўжалик сифатларига, шу жумладан, юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлади. Шунинг учун барча тенг шароитда сут маҳсулдорлиги даражаси сигирлар зотига боғлиқ.

Сут йўналишига ихтисослаштирилган зотлар юқори маҳсулдорлиги билан ҳарактерланади. Ўзбекистонда бу йўналишда бўлган зотлардан,

айниқса, голштин ва қора-ола молларни келтириш мумкин. Наслчилик заводларида бу зотларга мансуб бўлган сигирларнинг ўртача сут маҳсулдорлиги барча минтақаларда 4500-7000 килограммга тенг. Ўзбекистонда урчитилаётган қора-ола зотли сигирларнинг ўртача сут маҳсулдорлиги 4200-4500 килограммгача етказилган. Букалар тизимида мансуб бўлган сигирларнинг сут маҳсулдорлиги эса 5000-6000 килограммни ташкил қилган. Исроилда урчитилаётган голштин ва голланд зотли қора-ола моллар, айнақса, юқори сут маҳсулдорлигига эга. Исроил бўйича сигирларнинг ўртача сут маҳсулдорлиги 8500 килограмм атрофида бўлса, айрим подаларнинг бу кўрсаткичи 10000-11000 килограммгача етган. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича дунё миқёсида иккинчи ўринда бораётган АҚШда 7690 килограммни ташкил қилади. Голштин зотли сигирларнинг бундай юқори сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари кейинги 7-8 йил ичида АҚШда 10000 килограммга оширилган.

Серсут зотли сигирлар маҳсулдорлигини ошириш қобилиятига молик ва ҳаёти давомида кўп сут беради ҳамда 1 кг сут ҳосил қилиш учун озиқали кам сарфлайдилар. Уларнинг 100 килограмм тирик вазни ҳисобига ишлаб чиққан сут миқдори юқори. Ҳар бир пода ва зот ичида юқори ва кам маҳсулли сигирлар бўлади. Демак, сигирлар сут маҳсулдорлигига зотдан ташқари бошқа омиллар — парваришлаш шароити, сигирларнинг ёши, индивидуал ирсий ва биологик хусусиятлари, лактациянинг давомийлиги, туғиш мавсуми ва хоказолар таъсир кўрсатади. Сигирлар сут маҳсулдорлигига зотнинг таъсири кучли эканлигини ҳисобга олган зоомуҳандис-селекционерлар зотларни танлаб олишда ҳамда маҳсулдорлигини кўтаришда селекция ва чатиштириш усулларида кенг фойдаланадилар.

Молларнинг биринчи туғишидаги таъсири. Зоотехния андозасига кўра, биринчи маротаба қочириладиган ёки сунъий уруглантириладиган ғунажинларнинг тирик вазни ва ёши зотларнинг хилига қараб 330-380 килограмм ва 16-18 ойлик булиши керак. Бунга риоя қилинмай

қочириладиган ургочи мол кўрсатилган вазнга ва ёшга етмаёқ қочирилса, ундан олинган сигирлар майда бўлиб қолади ва маҳсулдорлиги ҳам кўтарилмайди. Кечиктирилиб кечирилган ғунажинларнинг ҳам самараси бўлмайди. Чунки биринчидан, сарфланган харажатлар ва озиқалар уларни парвариши давомида ошиб кетса, иккинчидан, сигирлар ҳаёти даврида олинадиган бузоқлар сони, соғиб олинадиган сут маҳсулоти ҳам кам бўлади. Ёш молларни ўсиш ва улғайиш даврида тўйимсиз озиқа билан паст меъёردа озиклантириш ва ёмон сақлаш уларнинг биринчи қочириш вақтини узайтириб юборилишига асосий сабаб бўлади. Натижада ёш молларнинг ўсиши сусаяди ва яхши ривожланмай қолади. Қочириш ёшига етганда (18 ойлик) уларнинг тирик вазни 220-250 килограмм атрофида қолади.

Молларнинг биринчи туғишидаги тирик вазни, аввало, уларнинг ғунажинлик давридаги биринчи қочириш ва уруғлантиришдаги тирик вазнига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ғунажинларнинг 18 ойлигидаги тирик вазни талаблар меъёрида бўлиши ҳамда ўрта ёшдаги сигирлар вазнининг 65-70 фоизини ташкил қилиши керак. Буғоз ғунажинларни яхши ривожлантириш учун уларни юқори меъёردа тўйимли озиқалар билан озиклантириш ва мақбул шароитда сақлаш асосида уларнинг ўртача кунлик семириш ва ўсиш даражасини 800-900 граммга етказиш талаб этилади. Бундай технологик шароитларда ғунажинларнинг ўсиши ва улғайиши жадаллашади, унинг хомиласи яхши ривожланади. Уларнинг биринчи туришдаги тирик вазни 450-500 килограммни ташкил қилади ҳамда лактация даврида яхши сорилиб, серсутлиги 4000-5000 килограммга боради ва ундан ҳам ошади. Жумладан, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг "Кмзил шалола" тажриба хўжалигидаги назорат молхонасида парвариш қилинган биринчи туққан сигирлар лактациясининг дастлабки 90-100 кун ичун ўртача 25-30 килограммдан сут берган. Худди шундай натижаларни наслчилик заводлари ва илғор хўжаликлар амалиётида ҳам кўриш мумкин.

Сигирлар ёшининг таъсири. Ўсиб, улгайиб бораётган биринчи ва иккинчи тукқан сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ўрта ёшдаги (3-5 бора тукқан) сигирларникига нисбатан паст бўлади. Организмнинг ва шу жумладан, сут безларининг ўсиши, ривожланиши билан биргаликда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ҳам ошади. Сигирларнинг индивидуал хусусиятларига караб, уларнинг сут маҳсулдорлиги 3-8 лактациясига қадар ошиб боради. Ўрта Осиё минтақаси ва шу жумладан, Ўзбекистонда урчитилаётган маданий зотли сигирлар тўртинчи-бешинчи лактациясиданоқ сут маҳсулдорлигини кескин пасайтириб юборади. Бунинг сабаби шундаки, ташқи муҳитнинг (kesкин континентал иқлим ва ҳоказо) таъсири натижасида сигир елинлари ва бошқа аъзоларининг функционал фаолияти заифлашади.

Яхши шароитда ва юқори озиқлантириш меъёрида боқилган тана, ғунажин ва сигирлар максимал сут бериш даражасига тез эришади.

Озиқлантиришнинг таъсири. Молларни тўйимли озиқлантириш сут маҳсулдорлигига катта таъсир кўрсатади. Сигирлар маҳсулдорлигининг ошишида озиқлантириш қанчалик муҳимлигини қуйидаги мисолда кўриш мумкин. Тошкент вилояти Зангиота туманининг Эркин номли хўжалигида сигирларнинг озиқлантириш шароити яхшилагандан сўнг, беш йил давомида ўртача сут маҳсулдорлиги 1913 килограммдан 3960 килограммгача кўтарилди. Шу давр ичида республикада парвариш қилинаётган сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ўртача 1916 килограммдан 2570 килограммгача кўтарилган. Лекин кейинги беш йил (1994-1999 йиллар) давомида республикада озиқа базасининг заифлашиб кетиши, озиқлантириш меъёрининг кескин пасайиши ва айниқса, ширали озиқалар ўрнини тўйимсиз бўлган сомон билан тўлдириши маҳсулдорликка салбий таъсир кўрсатди. Шунини алоҳида уқдириб айтиш керакки, сигирлар паст меъёрда тўйимсиз озиқалар билан озиқлантирилганда уларнинг маҳсулдорлиги 50-60 фоизгача пасайиб кетади.

Сутдан чиқарилган буғоз сигирларни тукқунига қадар ҳамда янги тукқан сигирларни соғимининг биринчи ойида озиклантириш меъёри сут маҳсулдорлигига катта таъсир кўрсатади. Жумладан, сутдан чиқарилган сигирлар тукқанига қадар 50-65 кун давомида юқори қувватли ва тўйимли озиқа (беда, ҳашаки лавлаги, маккажўхори силоси, дон сснажи ва хоказо) билан озиклантирилса ёғ туқималари тез жамғарилади. Бу сигир туккандан бошлаб сер-сутлигини таъминлайдиган манбалардан булиб ҳисобланади. Янги тукқан сигирлар 7-8 кундан бошлаб (албатта, елиннинг физиологик ҳолатини эътиборга олган ҳолда) тўйимли, ширали ва кучли озиқалар билан озиклантирилса, серсутлиги тезда кугарилади. Тўйимли озикдантириш меъёрини ташкил қилишда рацион таркибини оқсил, курук модда, қанд моддаси, витаминлар, минерал тузлар ва микроэлементлар билан бойитиш асосий эътиборда бўлади.

Академик Ш.Акмалхонов (2012) маълумотларига қараганда бизнинг шароитимизда, айниқса сигирлар қишловдан чиқганидан кейинги даврларда об-ҳавони ноқулай кетиши-қурғокчилик, ёғингарчилик ва бошқа ҳар-хил сабабларга кўра, кўп ҳолларда молларни кўк озиқалар билан батафсил таъминлашда узилишлар бўлиб туради. Бундан ташқари баҳор ва ёз ойларида сигирларни тўйимлилиги пастрок бўлган, эртаги озук,алар билан боқишни тўғри келади. Демак, юқорида келтирилганларда маълумки хўжаликлардаги молларни озиклантириш услубини кўриб чиқиш керак экан. Сигирларни доимий равишда узилишларсиз, бир меъёрда тўйимли озиқалар билан таъминлашни, уларни йил давомида бир типда интенсив равишда озиклантириш кафолатлайди.

Молларни йил давомида бир типда интенсив равишда озиклантириш деганда биз уларнинг тапабини ҳисобга олган ҳолда озиқа ресурсларидан, молларнинг генетик имкониятларидан, мавжуд техникалардан самарали фойдаланишни, айниқса юқори маҳсулдор молларни озиқа моддаларига бўлган талабларини йил давомида тўла қондириб боришга тушунамиз.

Молларни йил давомида бир типда озиклантириш учун аввало хар бир хўжаликда йил давомида тўйимли озик;алар силос, сенаж, беда пичани, омихта ем ва бошқалар етарли микдорда бўлиши керак.

Бунда озикалар аралашма озикалар холида сигирларга берилганда уларни самарадорлиги янада ошганлиги ўтказилган тажрибаларда аниқланган. Аралашма озикалар билан боқиш, озикаларни тарқатишни механизациялаш сезиларли даражасида молларнинг иштаҳасига, физиологик ҳолатига, модда алмашинувига ва маҳсулдорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Натижада озикалардан фойдаланиш самарадорлигит ортади. Озикаларни физик шакли, кимёвий ва уларни молларга бериш технологиясининг ўзгариши, моллар маҳсулдорлиги ва озикадан фойдаланиш самарадорлигини 10-12 % оширади.

Тўлиқ, қимматли озикалар аралашмасига қўйиладиган талаб шундай бўлиши керакки, ундаги ҳазмланадиган тўйимли моддалар юқори даражада ҳамда клетчатка микдори энг мақбул микдорда бўлиши шарт. Сигирлар истеъмол қилган озикаларнинг 60-70 % ошқозон олди қисмида, у ердаги микроорганимлар ва инфузориялар ёрдамида ҳазмланади. Рацион ўзгарган вақтида мол еган озикаларга микрофлорами мослашиши учун вақт сарфланади.

Йил давомида бундай мосланиш даврлари кенчалик кам бўлса, озикаларни ҳазмланиши доимий бўлади, чунки бунда мол ошқозонига тушадиган тўйимли моддалар бир хилда давом этади ва бу эса маҳсулдорликка ижобий таъсир этади.

Профессор У.Н.Носиров (2000) ёзишича қорамолнинг зоти ва ёши сут таркибига катта таъсир кўрсатади. Турли зотларга мансуб бўлган сигирлар сути ёғ ва оқсил микдорлари билан фарқланади. Ўзбекистонда урчитилаётган бушуев ва швиц зотлари бу кўрсаткичлари билан бошқа зотлардан (қора-ола, голштин, қизил чўл) устун туради. Сутнинг таркибидаги ёғ ва оқсил микдори бўйича (4,1% ёғ ва 3,6% оқсили) бушуев зоти биринчи ўринда, швиц зоти (4,0 ва 3,5%) - иккинчи, қизил чўл зоти (3,8 ва 3,4%) — учинчи ва қора-ола (3,4 ва 3,2%) охириги Ўринни

эгаллайди. Сут ва қўш маҳсулдорлик йўналишдаги корамолларни такомиллаштиришда кулланилаётган «яхшиловчи» зотлар орасида англер ва дания қизил зотларининг сут таркибидаги ёғ (5,0-5,5%) ва оқсил (3,8-4,0%) миқдори анча юқори, швиц зотининг Америка ва Австрия селекция гуруҳдариники ўртача (4,0-4,3 ва 3,5-3,6%), голштин зотиники эса паст (3,4-3,6 ва 3,1-3,2%).

Бир зотга, ҳаттоки, бир буқа тизимига мансуб бўлган сигирлар ҳам сутининг таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори билан бир-бирларидан фарқланади. Жумладан, Эстония қора-ола зотли «Франс» лақабли буқа тизимига мансуб бўлган Ўзбекистан хўжаликларида сунъий уруғлантиришда фойдаланилган «Франтик 1176» лақабли буқанинг она сутидаги (5247 кг) ёғ миқдори 3,81 фоиз бўлса, шу зот ва буқа тизимига мансуб бўлган «Амур 586» буқасининг она сутидаги (5829 кг) ёғ миқдори 4,05 фоизга тенг.

Сигирларни саклаш шароитишг таъсири. Молларни саклашда ҳаво ҳарорати, намлиги ва газлар билан туйинганлиги сигирлар-нинг сут маҳсулдорлигига уз таъсирини курсатади. Молхоналарда организмга мое келадиган микроиклим куйидаги меъёрларда бел-гиланади: ҳаво ҳарорати - 5-15°C, нисбий намлиги - 70-75%, бир центнер тирик вазн хисобига бир соат ичида ҳаво алмашуви — 17 м³, ҳаво ҳаракати тезлиги — 0,5 м/сек, карбонат кислотасини туйинганлиги — 0,25%, аммиакни туйинганлиги — 20мг/м³ ва сероводород колдиклари булишига рухсат этилади. Агарда ҳавонинг ҳарорати меъёрдан ошиб кетса, унда молларнинг иштаҳаси, озикаларни истеъмол килиш даражаси ҳамда маҳсулдорлиги пасаяди. Паст ҳаро-ратда эса озикаларни истеъмол килиш миқдори ошеада, маҳсулдорлиги камайиши мумкин. Ҳаво ҳарорати 25°Cдан ошгандан бошлаб маданий зотли сигирлар сут маҳсулдорлигига салбий таъсир курсатади. Лекин маҳаллий ва каммаҳсул сигирларга унинг таъсири нисбатан паст булади.

Моллар ва унинг маҳсулдорлигига салбий таъсир курсатадиган ҳарорат даражалари критик ҳолатдаги ҳарорат деб аталади. Сигирлар учун салбий

таъсир килувчи критик ҳолатдаги ҳароратнинг юқорига кутарилиш нуктаси 25°C ҳамда пасайиб бориш нуктаси 4-5°C далиги аниқланган. Ўзбекистоннинг иқлим шароити кескин континентал (ёзда ута иссиқ ва қишда совуқ) бўлганлиги учун моллар кўпинча критик ҳарорати ҳолатида сакланиб шунга мослашган ҳолатдаги маҳсулдорлик имкониятларини ҳаддан ташқари пасайиб кетади. Натижада организмнинг озиқ моддалардан фойдаланиш ҳамда жигарнинг гликоген ҳосил қилиши ва захарларга қарши қурашиш функциялари пасаяди. Қоннинг оғарлик миқдори ошиб, РН кўрсаткичи эса камаёди. Қон таркибида захарли маҳсулотлар тўпланиб, организмда модда алмашинуви бузилади ва бошқа ўзгаришлар кечади. Ёз ойларида ҳавонинг иссиқ ҳарорати билан биргаликда қуёшнинг қучли радиацияси ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ҳавонинг юқори нисбий намлиги юқори ҳарорат билан биргаликда ҳайвоннинг умумий ҳолатини сустлаштиради ҳамда маҳсулдорлигини камайтиради. Баҳор ва баъзи қиш кунларида ҳаво ҳарорати нормаллашганда унинг юқори нисбий намлигини ҳайвонлар енгил ўтказади. Молхоналарнинг тозаллиги ҳам муҳим аҳамияга эга. Агарда ҳаво таркибида карбонат кислотаси (углекислота), аммиак ва сероводород газларининг юқори бўлиши моллар ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб маҳсулдорлигини пасайтиради. .

Буғоз сизирларга сутдан чиқариш даврининг таъсири. Буғоз сизирларни сутдан чиқариш ва уларга дам бериб, кейинги лактация даврига тайёрлаш сутчилик технологиясида муҳим аҳамиятга эга. Сизирларнинг физиологик даврини тўғри ташкил этиш она қорнидаги хомилани нормал ривожланиши ҳамда серсутлиги тез ошишини таъминлайди. Сизирлар буғоз бўлиши билан елин сут беги тўқималарининг тикланиш жараёни бошланади. Буғозликнинг бешинчи ойдан бошлаб тезлашади. Мавжуд алвеолаларнинг тикланиши билан биргаликда янги секретор (шира чиқариш) тўқималари ҳосил бўлади ва ривожланади. Бу жараён буғозликнинг саккизинчи ва тўққизинчи ойларида тез ўтади. Сизирлар туғишга яқинлашганларида елиннинг без тўқималари тўлиқ ривожланган бўлади. Сизир тўққизинчи лактациянинг биринчи ойидаёқ, елиннинг

сут безлари фаол ишлайди. Шунинг учун амалиётда буғоз сигирларга дам бериш мақсадида улар аста-секинлик билан елин ҳолати эътиборга олинган ҳолда 5-6 кун давомида сутдан тўлиқ чиқарилади. Дам олиш даврининг нормал давомийлиги навбатдаги лактация давридаги сут маҳсулдорлигини ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бу даврда буғоз сигирлар яхши семизлик даражасига эришиб, организмда етарли миқдордаги оксил, минерал моддалар ва витаминларни тўплайди. Агарда сигирларнинг нормал дам олиш даври таъминланмаса ва унинг устита улар яхши озиқлантирилмай, қаровсиз қолдирилса, у ҳолда майда ва касалманд бузоқлар туғилади ва сигирлар маҳсулдорлиги кўтарилмайди.

Шундай қилиб, сигирлар маҳсулдорлигига турли ички ва ташқи омиллар маълум шароитларда ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Моллардаги кучли ирсиятлик ҳолати юқори меъёردаги озиқлантириш таъминланиб, яхши сақлаш шароитлари яратилганда сут маҳсулдорлигининг ошишига эришилади.

Сутнинг кимёвий таркибига таъсир этувчи омиллар Сигир сутининг таркибидаги ёғ ва оксил миқдори муҳим сифат кўрсаткичлардан ҳисобланади. Ёғ ва оксил моддаларининг кўпайиши билан унинг тўйимлилиқ қиймати ошади. Сарик ёғ, пишлок, бринза, творог, кефир ва хоказо сут маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳажми кўпаяди. Қишлоқ хўжалиги амалиёти ва сутчилик саноатида сутнинг сифатини яхшилашга ва унинг ёғ ҳамда оксил миқдорини оширишга катта эътибор берилади.

Наслчилик ишларида танлаш ва саралаш услубларини самарали олиб боришда сигирлар сут таркибидаги ёғ ва оксил миқдорларини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, буқаларни танлаш ва баҳо беришда уларнинг аجدодлари ҳамда авлодларининг сут таркибидаги ёғ, оксил миқдори юқори бўлиши талаб қилинади. Ёғ ва оксилнинг сут таркибидаги миқдори сигирлар зотига, ёшига,

лактация даврига, буғозлигига, сут маҳсулоти миқдориға озиқлантириш ва сақлаш шароитларига ҳамда бошқа омилларга боғлиқ..

Зот ва ёшнинг таъсири. Корамолнинг зоти ва ёши сут таркибига катта таъсир кўрсатади. Турли зотларга мансуб бўлган сигирлар сути ёғ ва оксил миқдорлари билан фарқланади. Ўзбекистонда урчитилаётган бушув ва швиц зотлари бу кўрсаткичлари билан бошқа зотлардан (қора-ола, голштин, қизил чўл) устун туради. Сутнинг таркибидаги ёғ ва оксил миқдори бўйича (4,1% ёғ ва 3,6% оксили) бушув зоти биринчи ўринда, швиц зоти (4,0 ва 3,5%) - иккинчи, қизил чўл зоти (3,8 ва 3,4%) — учинчи ва қора-ола (3,4 ва 3,2%) охириги ўринни эгаллайди. Сут ва қўш маҳсулдорлик йўналишдаги корамолларни такомиллаштиришда кулланилаётган «яхшиловчи» зотлар орасида англер ва дания қизил зотларининг сут таркибидаги ёғ (5,0-5,5%) ва оксил (3,8-4,0%) миқдори анча юқори, швиц зотининг Америка ва Австрия селекция гуруҳдариники ўртача (4,0-4,3 ва 3,5-3,6%), голштин зотиники эса паст (3,4-3,6 ва 3,1-3,2%).

Бир зотга, ҳаттоки, бир буқа тизимиға мансуб бўлган сигирлар ҳам сутининг таркибидаги ёғ ва оксил миқдори билан бир-бирларидан фарқланади. Жумладан, Эстония қора-ола зотли «Франс» лақабли буқа тизимиға мансуб бўлган Ўзбекистон хўжаликларида сунъий уруғлантиришда фойдаланилган «Франтик 1176» лақабли буқанинг она сутидаги (5247 кг) ёғ миқдори 3,81 фоиз бўлса, шу зот ва буқа тизимиға мансуб бўлган «Амур 586» буқасининг она сутидаги (5829 кг) ёғ миқдори 4,05 фоизга тенг.

Лактация ва бир кун давомида соғиб олинган сут таркибидаги ёғ ва оксил миқдори ҳам турлича бўлади. Лактация давомида сут миқдори камая борса, унинг таркибидаги ёғ ва оксил миқдори эса кўтарилиб боради. Сигирлар ёшининг ошиши билан сут таркибида бўлган ёғ ва оксил миқдори кам ўзгаради.

Йилнинг фасли ва лактация даврининг таъсири. Сигирлардан соғиб олинадиган сутнинг таркибий қисми йил фасллари бўйича озиқа рационлари ва озиқлантириш шароитининг ўзгариши билан ўзгариб

туради. Жумладан, баҳор ва ёз ойларида тукқан сигирлар сутида қиш-куз ойларидаги туккан сигирларникига нисбатан оксил миқдори 0,14-0,16 фоизга, куруқ модда - 0,07-0,11 фоизга кўп. Худди шунингдек, ёғ миқдори ҳам сут таркибида сероб. Қишки рационда боқилган сигирлар сути ёзги рационга нисбатан қуюқ, ёғ ва оксил миқдори юқори бўлади.

Бўғозликнинг таъсири. Сут таркиби сигирларнинг бугозлик даврида ўзгаради. Унинг миқдори хомиланинг биринчи ойдан бошлаб камайса, ёғ ва оксил миқдори кўпаяди. Иккинчи ярмида ва айниқса, сигирларни сутдан чиқариш арафасида ёғ ва оксил энг юқори даражага кўтарилади.

Куннинг вақти, соғин оралиғи давомийлиги ва қуйиқишнинг таъсири. Кун давомида соғиш оралиғи қисқа бўлса сутнинг таркибидаги ёғ миқдори юқори бўлади. Эрталабки соғилган сут таркибида, тушлик ва кечки соғимга нисбатан ёғ миқдори кам. Бу ҳолат оксил миқдорининг ўзгаришида кам сезилади. Соғим давомида олинган сут порцияларини таҳлил қилсак, ундаги ёр миқдорининг кўтарилиб боришини кўрамиз. Жумладан, Г.С.Инихованинг маълумотига кўра, соғимнинг биринчи порциясида ёғ миқдори 0,89 фоизга тенг бўлган. Кейин қуйидагича кўтарилиб борган: 1,25; 3,74; 4,94; 5,21; 6,26; 7,98 ва 10,485. ёғ миқдорининг ўртача кўрсаткичн 3,81 фоизга тенг. Сигирларнинг қуйиқиш даврида сут миқдори, ёғ ва куруқ модда меъёрлари пасаяди.

Озиқлантиришнинг таъсири. Сигирларнинг юқори меъёрда ва туйимли озиқалар билан озиқлантириш сут миқдorigа ва унинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Сигирларнинг рационн барча керакли озиқ компонентлари бўйича баланслашган ва тўда қийматли бўлишлиғи талаб этилади. Соғин сигирлар озиқа рационнда кўп миқдорда юқори сифатли бўлган дағал ва ширали озиқаларни истеъмол қилиши лозим. Чунки бу озиқалар ошқозон-ичак тизимининг нормал ишлашига ва сифатли сут ҳосил бўлишига имкон беради. Агарда сигир сифатсиз озиқалар билан паст меъёрда озиқлантирилса, у ҳолда сут таркибида куруқ моддалар, ёғ ва оксил

миқдори камайиб кетади. Юқори меъёрадаги тўйимли озиқлантиришга ўтилганда сут миқдори кўтарилади ва унинг сифати яхшиланади.

Рациондаги озиқаларнинг тўйимли таркиби сутнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Рационда пичан миқдори камайтирилганда сутнинг ёғлилиги пасайиб кетади. Юқори сифатли, осон ҳазм бўлувчи карбон сувлари ва оксилга бой бўлган озуқаларга пиво ачитқилари қўшиб берилса, ёғ миқдорининг кўтарилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Сутдан чиққан сигирларни дам олиш даврида юқори меъёра ва тўйимли озуқалар билан боқиш сут, ёр ва оксил миқдорини кўтаради. Сақлаш шароитининг таъсири. Ўзбекистоннинг кескин континентал иқлим шароитида урчитилаётган сигирларнинг сут таркибидаги қуруқ моддалар миқдори йилнинг мавсумига боғлиқ ўзга-ради. Ҳавонинг юқори ҳарорати сутнинг ёғлилигини камайтирса, унинг пасайиши ёғни кўпайтиради.

Ўзбекистан чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг маълумотларига кўра, ёзнинг иссиқ кунлари очик майдонларда боқилган сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 9,3-12,1 фоизга, ёғ миқдори 7,7-13,4 фоизга, оксил 3,7-4,8 ва шакар 1,8-2,2 фоизга камайган. Очик ҳавода сигирларнинг сайр қилиши ва етарли моцион олиши сутнинг ёғлилигини кўпайтиришга олиб келди. Масалан, киш ойларида актив моцион олган сигирлар сутининг ёғлилиги 0,17-0,24 фоизга кутарилган. Кузда соғиб олинган сут таркибида баҳорги нисбатан ёғ миқдори 0,2-0,4 фоизга кўп бўлган.

Сигирларни боқиш

Сут, гўшт маҳсулотлар етиштиришни жадаллаштириш йўли билан чорвачиликни интенсивлаштириш даврида чорва молларни ҳар ҳар томонлама яхши боқиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бунингсиз чорва молларининг семаҳсуллигини таъминловчи генетик имкониятларни ишга солиш қийин.

Чорва моллари белгиланган норма ва рацион билан боқилс, фақат ёз ойларида эмас, балки қиш фаслида ҳам маҳсулдорлигини ошириб боради. Кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ҳаёт фаолияти нормал ва маҳсулдорлиги

юқори бўлиши учун 80 хилга яқин озиқ моддалар ва бошқа озиқ турлари талаб этилади. Буларнинг анчагинаси ошқозоннинг олд қисмида пайдо бўлади. Аммо камида 25 хил тўйимли моддалар озиқ орқали қабул қилинади. Боқиб даражаси қанча юқори бўлса, чорва молларининг маҳсулдорлиги шунча юқори ва маҳсулот бирлигига сарф бўладиган харажатлар шунча кам бўлади. Аксинча, боқиб даражаси қанча паст бўлса, маҳсулдорлик ҳам шунча камаяди, маҳсулот бирлигига сарф бўладиган харажатлар эса кўпаяди.

Чорва молларини соғлом асраш учун, сермахсул ва наслдор бўлиши учун рационда белгиланган озиқ билан бирга уларнинг эҳтиёжига яраша озиқ моддаларининг бирон бир мустасносиз, оз ёки кўп миқдорда бўлишидан қатъи назар, ҳаммаси берилиши зарур. Сигир қанча серсут бўлса рациондаги 1 килограмм қуруқ моддага нисбатан энергия тўплаши кўпроқ бўлиши лозим. Серсут сигирлар, ўртача ва кам сут сигирларга нисбатан, кўпроқ ва сифатлироқ озиқ талаб этади.

Сигирлар ўрта ҳисобда ҳар 100 килограмм тирик вазнига нисбатан 2.8-3.2 килограмм қуруқ модда истеъмол қиладилар, серсут сигирларда эса бу 3.5-3.8 килограмм, айрим ҳолларда эса 4.0-4.7 килограмм қуруқ моддага нисбатан энергия олиши шунча кўп бўлиши керак. Агар рационда энергия олиши камайса, сигирлар энергия талабини қондирадиган даражада озиқ ея олмайдилар. Энергия олишни 0.65 озиқ бирлигидан камайтириш мақсадга мувофиқ эмас. Кунига 28 килограмм ва ундан ортиқ сут берувчи сигирлар тўлиқ энергия олиш учун 1.05 бирлиги талаб этадилар.

Сигирларни боқиб нормаси. Сут чорвачилигини интенсивлаштириш учун озиқ баланслаштирилиши муҳим аҳамият касб этади. Механизациялаштирилган йирик фермалар ва комплексларда сигирларни барча озиқ турлари билан тўйдириб боқиб аниқса зарур. Сигирларни саноат технологияси асосида боқибга ўтиш кўпинча ҳолларда модда алмашинувига, ҳайвонларнинг соғлигига, қочишига ва маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Қиш ойларида сигирларни сайр қилдириш, ёзда

эса яйловга чиқариш имкони чекланганлиги, молхонада кўп миқдорда мос асралиши, турли механизмларишлаши уларнинг шовқини, полнинг қаттиқлиги, юмшоқ тўшамалар йўқлиги, кўп ишлар кечаси бажарилиши, хайвонларни бир секциядан иккинчисига кўчиришва бошқа шу кабилар ана шундай салбий ҳолатлар жумласидандир. Бу ҳолатлар хайвонларнинг асабига таъсир кўрсатади. Бундай шароитда айниқса серсут сигирлар озиқанинг тугал ва тўлиқ бўлишини талаб қиладилар, бирон бир модда камайса ҳам дарҳол сезги берадилар.

Зоотехния амалиёти ва фанида маълумки, қишлоқ хўжалик хайвонларининг барча хўжалик фойдали белгилари бир-бирига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Е.А.Богданов жуфтлаш орқали ҳар қандай мустаҳкам боғланган белгиларни ҳам инсон талаби даражасида ўзгартириш мумкин деган эди.

Демак, сигирлар сут маҳсулдорлиги ва унинг бошқа белгилар билан боғланувчанлиги танлаш ва жуфтлаш орқали керакли томонга ўзгартириш мумкин.

Қорамоллар селекциясида энг муҳим белгилардан бири уларнинг тирик вазнидир.

Сигирлар сут маҳсулдорлигининг тирик вазнига боғлиқлигини кўпчилик олимлар катта қизиқиш билан ўрганганлар.

Зотни такомиллаштиришда насли мол сифатида биринчи навбатда тадқиқотларда сермахсул сигирларнинг авлодлари ҳар доим ҳам сермахсул бўлмаслиги аниқланган.

Шундай қилиб, адабиётлар тахлили сигирларнинг сут маҳсулдорлигига бир қанча омиллар таъсир қилар экан. Биз шу таҳлил натижаларига асосланиб ўз малакавий битирув ишимизда бу масалаларини ўргандик ва таҳлил қилдик.

III. Асосий қисм.

3.1. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари

Тадақиқотнинг мақсад ва вазифалари:.

Илмий тадақиқотларнинг мақсади :

« Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида урчитилаётган Польша қора-ола голштин зотиға мансуб сигирларини 1-лактациядаги сут маҳсулдорлигини хусусиятлари ва унга таъсир омилларни тахлил қилишдан иборат

Тадақиқот вазифаларига қуйидагилар қиради:

- . сигирларнинг сут маҳсулдорлигини тахлил қилиш;
- сигирлар экстерьер кўрсаткичлари;;
- озуқаларнинг химиявий таркиби;
- сигирлар қонининг клиник ва биохимиявий кўрсаткичлари;;
- сигирларни озуқаси билан қоплаш хусусиятларин баҳолаш;
- хўжаликда урчитилаётган сигирларнинг сут маҳсулдорлигини иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан иборат.

3.2 Тадақиқотлар ўтказиш манбаи ва услуби.

Тадақиқотлар тахлили Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ тумани « Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида урчитилаётган Польшадан келтирилган қора-ола голштин зотиға мансуб сигирларини 1-лактациядаги сут маҳсулдорлигини хусусиятлари, хўжалик фойдали белгиларини тахлил қилишдан иборат.

Польшадан келтирилган қора-ола голштин зотиға мансуб сигирларни сут маҳсулдорлигини ўрганиш мақсадида биз хўжаликда юритилаётган МОЛ – 2 карточкалардан, шунингдек бухгалтерия хисоботларидан фойдаландик. Тахлил учун ўхшашлик белгилари асосила

келиб чиқиши, ёши, тирик вазни, оналарнинг махсулдорлик кўрсаткичлари бўйича 1 чи лактация (8-бош) бўйича таҳлил қилдик. Хўжаликда, сизирларнинг озиқлантириш уларнинг тирик вазни, сут махсулдорлиги ва физиологик ҳолатига қараб рацион асосида ташкиллаштирилган. Сизирларнинг парваришlash жараёни бир хил шароитда бўлган.

Сизирларнинг сут махсулдорлиги (сут миқдори) ҳар 30 кунда назорат соғимини ўтказиш орқали, сут таркибидаги ёғ ҳар ойда Гербер усулида, сут ёғи чиқими Н.В. Барабаншиков (1986) формулалари асосида ўрганилди. Сутдорлик коэффиценти қабул қилинган услубда аниқланди.

Сизирларнинг озиқани сут билан қоплаш хусусиятлари умумий қабул қилинган усулларда ўрганилган.

Таdqикотларнинг иқтисодий самарадорлиги гуруҳлардаги кетган харажатлар ва улардан олинган махсулот қиймати ўртасида фаркни аниқлаш билан ўрганилди.

Таҳлил натижасида олинган маълумотлар Е.К. Меркурьева (1970) услубида қайта ишлаб чиқилди.

3.3. « Саид Комилхон домла » фермер хўжалигига тавсиф.

Жумладан, Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ тумани «Саид Комилхон домла » фермер хўжалиги 2010 йилда ташкил этилиб. Бу даврда асосий ишлаб чиқариш фаолияти ,асосан боғдорчилика ихтисослаштирилган бўлиб, «Саид Комилхон домла » фермер хўжалиги Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ тумани Ийк ота қишлоғида жойлашган. Тошкент шаҳридан 7 км, туман марказидан 24 км узоқликда бўлиб. иқлими тез ўзгарувчан бўлиб, ўртача йиллик ҳарорат 14-15°C, атмосфера намлиги 60-70%гача етади.

Хўжалик Чирчиқ сув олди худудида жойлашган бўлиб, қишда ҳарорат - 20-25°, ёзда эса +30-40° иссиқ бўлади. Тупроғи кўнгир бўлиб, сизот сувлари яқин, ҳосилдорлик даражаси талаб даражасида эмас, паст. Шунинг учун бу ерларни доимо ўғитлаб агротехника тадбирларни юқори савияда ўтказиш лозим.

Хўжалигда экинларни суғориш “Чирчиқ” канали орқали амалга оширилади. Ер майдони 2013 йилларда 16 гектарни ташкил этган эди. Шундан 3.5 гектар беда, 8 гектар маккажўхори учун экилади. Йил давомида хўжалик 280 тн силос, 7 тн. сомон, 7500 кг беда пичани, майдаланган макажўхоҳари 1000 кг, майдаланган бўҳдой 850 кг, кепак 800 кг, пахта шроти 1200 кг жамғарган.

«Саид Комилхон домла» фермер хўжалиги 2012 йилда имтиёзли кредит ҳисобидан Польша давлатидан 33 бош, юқори маҳсулдор наслии ғунажинлар келтирилди. Алббата бу озуқалар қорамолларни озиклантириш учун етишмайди ва хўжалик йил давомида озуқа сотиб олишга мажбур.

Бугунги кунда фермер хўжалиги қарамоғида жами 56 бош қорамол, шундан 25 бош сигир мавжуд бўлиб, кунлик ўртача ҳар бир сигирдан 20-25 кг-дан сут соғиб олинмоқда. Эракк бузоқларнинг кунлик ўсиши 900-1100 граммни ташкил қиляпти. Ҳозирги вақтда фермер хўжалиги асосан сут йўналишидаги қора молларни парваришlash, уларни фермер хўжаликларида сотиш, шунингдек сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Маълумки Тошкент вилояти хўжаликларида ҳар бир шартли бош наслии мол учун 0,30 тадан сувли майдон ажратилган бўлиб, 10 гектар озуқа майдони билан шартли мол боқилиши талаб этилади. Демак, ўртача йилига 5000 кг сут берган сигир учун бир йилга 7500 кг озуқа бирлиги талаб этилса, шундан 70 фоизи ёки 5300 кг озуқа бирлик дағал ва ширали озуқалар ҳисобига тўғри келади, ёки ҳар бир гектар сувли майдондан 18 тонна озуқа бирлиги олинса, 0,30 га сувли майдон билан чорва молининг талабини қондириш мумкин бўлади.

Ҳар бир гектар сувли майдондан фақат оралик экинлар экиш йўли билан 18 тонна ва ундан кўп озуқа бирлиги олиш имконияти мавжуд. «Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида қорамолларни озиқлантириш учун тахминан 30 гектар ер майдони етишмайди, шунинг учун хўжалик қўшимча озуқа сотиб олишга мажбур.

Биз ўйлаймизки «Саид Комилхон домла » фермер хўжалиги ҳозирги қишлоқ хўжалигида бўлаётган ислохотлар, модернизация жараёнлари натижасида замонавий талабларга жавоб берадиган чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаради ва юқори кўрсаткичларига эга бўлади.

3.4. Соғин сигирларни озиқлантириш ва асраш

Хўжаликда қорамолларни озиқлантириш ва уларнинг маҳсулдорлик, саломатлик, пушторлик хусусиятларини белгилашда энг асосий омилдир.

Қорамолларни сут ва гўшт маҳсулдорлигининг сифати ҳам озиқлантиришга боғлиқдир. Селекция ишлари натижасида яратилган молларнинг қимматли сифатларини яхши озиқлантириш шароитига сақлаб қолиши мумкин. Шунга ўхшаш хулосаларга К.К.Карибаев (2000) ва бошқалар ҳам келганлар.

«Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида қорамолларни парваришlash, семиртириш даражаси самарали вақтга қараб қониқарли ҳолатда. Сигирларни парваришlash 2009-2010 йилларда эса лойиҳада кўрсатилган фермада ташкил этилган. Сигирларни парваришlash 1 та бинода ташкил этилган эди. Булар сигирларни соғиш, туғдириши, бўғоз сигирларни парвариш этиш. Уларни яйратиш мақсадида очиқ майдонлар мавжуд бўлган. Сигирлар бузоқлаган даврда лактациянинг 8-10 кун давомида хўжаликнинг махсус туғдириш бўлимида асралган. Бу даврда сигирларнинг елинининг ҳолатига қараб озиқлантирилади. Йўлдоши тушгандан кейин кундуз кунни сигир юргизиб турилади ва 1 кун мобайнида

3 мартта соғилади. Туғдириш бўлимида сигирлар истаганича пичан истеъмол қилади. Туғгандан сўнг 3 кун ўтган уларга 1 кунда 1,5 пичан берилади. Сигирлар елинининг шишиш қайтгач улар сут соғиш биносига ўтадилар. Бу бўлимда улар аралаш асраш усулида парвариш қилинади. Бу усул Республикамиз фермер хўжаликларида кенг қўлланилмоқда. Бу Ўзбекистон Чорвачилик илмий тадқиқот институтининг олимлари томонидан тавсия қилинган.

Бу усулда сигирлар қишнинг совуқ кунлари ва ёзнинг иссиқ куёшли кунлари молхона ичида боғлаб асралади. Бошқа вақтларда улар майдонларда яъни яйратиш майдонларида озиклантирилади. Бу майдонларда ва молхоналарда сигирларни озиклантириш учун охурлар ўрнатилган. Сигирларни суғориш учун махсус автомат сув ичгичлар ўрнатилган. Сигирлар соғиш 2 марта ташкил қилинган.

Хўжалик фермасида қуйидаги кун тартиби, алоҳида барча ишлаб чиқариш жараёнлари олиб борилади (1- жадвал).

1- жадвал

Сутчилик фермасининг кун тартиби

Ишнинг тури	Ишнинг бошланиши	Куннинг тугаши	Жараённинг давомийлиги (соат)
Сигирларни соғишга тайёрлаш	04-30	05-00	0-30
Эрталабки соғиш ва ем бериш	05-00	07-30	2-30
Эрталабки озиклантириш,	07-30	09-30	2-00
Яйратиш ва дам бериш	09-30	13-00	3-20
Кечки соғиш ва ем бериш	18-00	20-00	2-00
Кечки озиклантириш	20-00	21-30	1-30
Кечки дам бериш	21-30	23-00	1-30

Қишлоқ даврида сугирлар эрта билан силос, сенаж, кундузи силос ёки сенаж, кечкурун силос, беда пичани каби озуқалар берилади.

Ёз даврида сугирлари кўк масса, беда, маккажўхори берилади. Хўжаликда сугирларни рацион асосида боқилади. Бунда озиқлантириш шароитида эътибор берилади. Рацион тизимда сугирларни ейиш маҳсулдорлиги ва физиологик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Шу билан бирга хўжаликда мавжуд озуқалар ҳам ҳисобга олинади. Сугирлар маҳсулдорлигига қараб қуйидаги рацион қабул қилинган (жадвал-2).

Юқори-Чирчиқ тумани « Саид Комилхон домла » фермер
хўжалиги

Тирик вазни 450-500 кг, кунлик сут миқдори

15-20кг, ёғлилиги 3.9-4.1% соғин сугирлар учун озуқа рацион

Жадвал 2.

Озуқалар	Силос макка- жўхори	Сомон буғдой	Беда пичани	Майдал ланган маккаж ўхори	Майл анган буғдо й	кепак	Пах та шр оти
Норма	25	1,5	3,2	4,5	4,0	1,5	2,2
Озуқа бирлиги (кг)	5,0	0,30	1,4	5,98	5,12	1,12	1,95
алмашинув энергияси, МДж	57,5	7,14	21,5	54,9	43,2	13,3	22,5
қуруқ модда, кг	6,250	1,269	2,656	3,825	3,400	1,275	1,980
Хом протеин, г	625	55,5	460,8	463,5	532	227	904
Хазмбўлувчи протеин, г	350	7,5	323	329	424	146	724
Клетчатка, г	1,875	546	810	171	68	132	273
Крахмал, г	200	-	29	2497	2060	-	33
Шакар, г	150	4,5	64	180	80	70,5	143
1г, г	250	19,5	70	189	80	62	28,6
Туз 100 гр							
Кальций(г)	35	4,2	54,4	2,3	3,2	3,0	9,0

Фосфора(г)	10	1,2	7,0	23,4	14,4	14,4	22,2
Калий(г)	72,5	11,4	49,9	23,4	13,6	16,4	21,8
Магний(г)	12,5	1,2	9,6	6,3	4,0	6,5	10,3
Олтингугурт,(г)	10	1,2	5,8	4,5	4,8	2,9	7,5
Темир мг	1525	540	538	1364	160	255	559
Мис, мг	25	2,70	26,2	13,0	26,4	17,0	35
Цинк, мг	145	43,5	61,1	133,2	92	121,5	93,5
Кобальт,мг	0,50	0,46	0,64	0,27	0,28	0,15	0,30
Марганец, мг	100	66	84	17,6	185,6	175,5	38,9
Йод,мг	1,5	0,75	0,96	0,54	0,24	2,62	0,57
Каротин, мг	500	6	157	30,6	4	3,9	2,2
Витамин Д, МЕ	1250	7,5	1152	-	-	-	7,7
Витамин Е, МГ	1150	-	429	102	48	31	44

Рационда жами 20.87 озуқа бирлиги мавжуд бўлиб, Сигирлардан 1 литр сутга 1,04 озуқа бирлиги сарф қилиш мўлжанланган. Хўжаликда соғин сигирлар қўшимча равишда учун премикс берилади, рецепт нома асосида. (200-250грамм). (Иловада берилган).

Хўжаликда озуқа захираси етарли даражада эмас. Лекин уларнинг сифати юқори. Хўжаликда бир бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори 4278кг ни ташкил қилган. Хўжаликда сигирларни парваришlash ва озиқлантириш нормаси харажатлар купайиб кетган. Рацион таркибидаги концентрат озуқаларнинг миқдори яна рациондаги пичан, силос ва сенажларнинг сифатига ҳам боғлиқ бўлади. А.П.Калашниковнинг (2000) ёзишича, 20 кг сут берадиган сигирга, агарда 1 синфли пичан берганда ҳар бир сут учун 270г. концентрат озуқа кифоя қилади. Агарда пичаннинг сифати паст бўлиб II ва III синф бўлса, шу 20 кг сутдорликни сақлаб қолиш учун ҳар бир кг сут учун мос 350-500 г. концентрат озуқа бериш керак. Бошқача қилиб айтганда бир хил сутдорликдаги сигир учун III синф пичандан фойдаланилганда 1 синфли пичандан фойдаланилганга қараганда икки ҳисса кўп озуқа концентрат озуқа бериш керак бўлади. Чунки III синф пичаннинг тўйимлилиги 1 синф пичаникига қараганда анча кам ва ҳазм бўлиш даражаси паст бўлади. Соғин сигирларнинг тўйимли моддаларга бўлган талаби. Соғин сигирлар кун

давомида клетчаткага бой бўлган кўплаб миқдордаги ҳажмдор озукаларни ошқозон ичак тизимида ҳазм қилишларида меъда олди бўлимларининг ҳиссалари ниҳоятда катта. Бу ердаги микроорганизмларнинг фаолияти учун эса маълум миқдорда рационда қанд миқдори бўлиши керак. А.П.Калашников (2001) соғин сигирлар рационда қанд-протеин нисбатини 0,8-1,1:1 тенг, крахмалнинг қандга бўлган нисбатини эса 1,5:1 тенг бўлиши керак дейди. Учувчан ёғ кислоталарининг керакли нисбатан ва миқдорини таъминлаш учун қанд-протеин нисбати қишки рационда 1,3:1,0, ёзги рационда эса 0,8:1,0 га тенг бўлиши керак дейди. Кунлик рационнинг энергетик тўйимлилиги, ҳайвоннинг органик ва минерал моддалар, витаминлар ҳамда бошқа биологик фаол моддаларга бўлган талаби 1 кун давомида истеъмол қилинадиган озукалар таркибидаги қуруқ модда орқали қондирилади. Рационда талаб қилинадиган қуруқ модданинг сигирнинг сутдорлигига қараб ортиб боради.

Сигирларнинг меъёрида озукланишида 1 кг қуруқ моддада мужассамлашган энергия ва бошқа тўйимли моддалар миқдори ҳам ҳал қилувчи аҳамияти эгадир. Шунинг учун соғин сигирлар рационини тўйимли моддалар билан мувозанатлаштиришда уларнинг қуруқ моддага бўлган талабини ва қуруқ модда таркибига мужассамлашган энергия ва бошқа тўйимли моддалар миқдорини ҳисобга олиш керак.

Соғин сигирлар рационда протеинни аҳамияти ниҳоятда каттадир. Уларнинг серсутлиги кўп жиҳатдан тўла қимматли протеинлар билан таъминланганлигига боғлиқ. Катта қориндаги биосинтез жараёни эса рационни витаминлар, минерал ва бошқа биологик фаол моддалар билан таъминлашганлигига боғлиқдир.

Соғин сигирлар рационда тозаланмаган ёғ миқдори ҳам назорат қилинади. Ёғ, сигирлар организмида энергия манбаи сифатидагина эмас, балки бу ёғ кислоталари елин альвеолаларида сутнинг ҳосил бўлишида ва унинг таркибий қисмларини синтезланишида ҳам иштирок этади.

Соғин сигирларнинг тозаланмаган ёғга бўлган талаби сутдорлик ортган сари кўпая боради.

Соғин сигирларнинг энергияга ва бошқа тўйимли моддаларга бўлган талаби кўпинча 1 озуқа бирлигига нисбатан олинади.

Сутдор сигирлар озук нормасида макроэлементлардан кальций, фосфор, натрий, хлор, магний, калий ва олтингугуртлар; микроэлементлардан темир, мис, рух, кобальт, марганец ва йодлар миқдори назорат қилинади. Сутдор сигирлар организмида минерал моддалар алмашинуви миёёрида бориши учун маълум миқдорда минерал моддаларни талаб қилади. Ёш сигирлар эса бундан ташқари ўсиши ва ривожланиши учун ҳам кўшимча минерал моддаларга муҳтождирлар. Сигирларнинг макро ва микроэлементлар билан тўлиқ таъминланганлигини билиш учун албатта истеъмол қилинадиган озуқалар таркибидаги макро ва микроэлементларнинг ҳақиқий миқдорини билиш керак бўлади.

Соғин сигирлар рациониди витаминлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Катта қорин микрофлораси сувда эрийдиган витаминларни етарли миқдорда синтез қилиши туфайли озук нормасида А, Д, Е витаминларнинг миқдоригина назорат қилинади. Лекин шуни айтиш керакки, сувда эрийдиган В гуруҳ витаминларнинг ва К витаминини етарли миқдорда синтез бўлиши учун рацион етарли миқдорда баланслаштирилган ва тўла қимматли бўлиши керак.

Соғин сигирлар учун рацион тузиш учун норматив талабларига асосланиб, 1 сигирга ўртача 3-3.5 кг қурук модда 100 кг тирик вазнига мўлжалаб тузилган, яъни 550кг тирик вазнга 1700кг қурук модда талаб қилинади. Қанчалик сигирнинг сут миқдори юқори бўлса, у ҳолда озуқа энергияси ошиши лозим. Агарда озуқа таркибида алмашинув энергияси етишмаса, сигир бу озуқани тўлиқ истемол қила олмайди. Шуни таъкидлаш лозимки, агарда 1 кг қурук моддада 0.6 озуқа бирлиги камайса, сигирнинг сути камайиб кетади.

Академик Ш.А.Акмалхоновнинг маълумотлирига (2012) кўра соғин сигирлар рационада протеинни аҳамияти ниҳоятда каттадир. Уларнинг серсутлиги кўп жиҳатдан тўла қимматли протеинлар билан таъминланганлигига боғлиқ. 1 кг озука бирлигида кунлик протеин миқдори 95-100г,(кунлик сут миқдори10-15) ташкил қилиниши лозим ЎЗЧИТИ кимё лабораториясида маълумотига кўра, 1 кг сенаж таркибида 90-140г протеин, 1 кг маккажўхори силосда 16-70г протеин бўлган. Соғин сигирлар рационада тозаланмаган клетчатканинг миқдори қуруқ моддага нисбатан олиниб, сигирнинг сутдорлиги ортган сари талаб қилинадиган қуруқ модда таркибидаги клетчатканинг фоиздаги миқдори камая боради.

Рацион таркибида клетчатка миқдори 29% ни ташкил қилганда,15-18кг соғиб олинади.

Олинган намуналарда: 1 кг сенажда қуруқ модда 172-348 г, 1 кг силосда 130-370 г учради.. Сутдор сигирлар озуқ нормаси бўғоз, сутдан чиққан сигирлар учун мўлжалланган кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Сутдор сигирлар озуқ нормаси сигирнинг ёшига, семизлик даражасига, кунлик сутдорлигига, сутнинг ёғлигига ҳамда сигирнинг тирик вазнига қараб белгиланади. Ёш сигирланинг ўсиши ва озғин сигирларнинг эса бир оз семириши учун кундалик мўлжалланган ўсиш ёки семириш миқдорига қараб қўшимча белгиланади. Бундай сигирларнинг кунлик ўсиши ёки семириши 0,2 кг бўлганда 1 озуқ бирлиги, 0,3 кг бўлганда 1,5 озуқ бирлиги, 0,5 кг бўлганда эса 2,5 озуқ бирлиги ва шунга яраша бошқа тўйимли моддаларни асосий нормага қўшимча тарзда белгилаш керак.

Биз ўйлашимизки хўжаликда қорамолларини парваришлаш ва озиқлантиришга алоҳида эътибор берадилар ва келажакда ер майдони кўпаяди. « Саид Комилхон домла » фермер хўжалиги қорамолларни озиқлантириш бир хил типига ўтилади.

3.5. Сигирлар экстерьер кўрсаткичлари

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги кўп жихатдан конституция тишига, уларнинг танасининг ўлчами ва индекс кўрсаткичларига боғлиқдир. Мустаҳкам конституция типига мансуб хайвонлар селекция талабларига жавоб беради. Шунинг учун тана қисмини зотга қўйилган талаб даражасида кам нуқсонли бўлса селекция жараёнида сигирларнинг юқори сут маҳсулдорлигига эришиш мумкин. (Э.Ю.Карчевский 1989, Ш.А.Акмальханов 2008).

Голландия чорвадорлари тажрибалари шуни кўрсатадики сигирларни тана қисмларини мутаносиблиги конституция ,тана мустаҳкам бўлган сигирларни селекция кенг қўлланишлари маҳсулдор, ёғлилик юқори бўлган подани яратишга имкон яратди. Шунингдек асосида сут-гўшт йўналишидаги зотлар яратилди.

Экстерьер ва конституция типига ва маҳсулдорлик кўрсаткичларига, хайвонларни озиклантириш, парваришlash ва танлаш, саралаш омиллар таъсир қилади.

(Э.Ю.Карчевский 1989,).«Қизил шалола» тажриба хўжалигида урчитилаётган 1-туғишдаги сигирларни тана ўлчамлари индекси қуйидагича бўлган - чўзилувчанлик 112,9% , зичлик 133,2% кўкрак-59,6%, суякдорлик-14,8% бўлган.

Ўзбекистонда урчитилаётган чет элдан олиб келинган голштин зотларини уруғидан кенг қўлланишда фермер хўжаликларида, селекцион ишларида тадбиқ қилинди..

Биз « Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида урчитилаётган Польшадан келтирилган қора-ола голштин зотига мансуб сигирларни экстерьер ва конституциялари таҳлил қилдик. Таҳлил ва натижаларга кўра бу хўжаликда Польша қора-ола голштин зотига мансуб сигирларнинг тана қисми ўзаро мутаносиблиги, мустаҳкам конституцияга эгаллиги, оёқлар текис жойлашишини кўрдик.

Бу ўрганилган натижалар қуйидаги 3 жадвалда келтирилган.

Жадвал 3

Польша қора-ола голштин зотига мансуб сигирларни тана
ўлчамлари

тана ўлчамлари	Кўрсаткичлар
Яғрин баландлиги	131,4±1,8
Кўкрак чуқурлиги	69,6±0,5
Кўкрак кенглиги	45,5, ±0,6
Гавданинг қия узунлиги	155,8±0,9
Орқа дўнгликнинг кенглиги	48,2±0,3
Поча айланаси	20,2±0,2

Таҳлил натижаларига кўра « Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида урчитилаётган сигирларни тана ўлчамлари талаб даражасида..

Шундай қилиб, голштин зотга қорамолларнинг юқори махсулдор подани яратишда, уларнинг тана тузилиши хусусиятлари, селекцион белгилари, тана ўлчамлари билан чамбарчас боғликлигини эътиборга олиш керак. Шунинг асосида наслчилик ишлари самарадорлиги ошади.

Тана тузилишини тўлиқ баҳолаш учун биз ўрганилаётган сигирларнинг индексини таҳлил қилдик (жадвал14). Маълумки бир-бирига боғлиқ бўлган айрим ўлчовлар нисбатининг процент билан ифодаланишини индекс дейилади. Тана тузилиши индексларини ўзаро солиштириш ёрдамида хар хил жинсли, ёшли ва маҳсулот йўналишидаги ҳайвонлар экстеръери тузилишининг ўзига хос хусусиятлар ва белгиларини аниқлаш мумкин. Тана тузилиш индекслари ҳайвоннинг ривожланиш жараёнини

жуда аниқ тасвирлаб беради. Ҳайвон танасининг қайси қисми яхшироқ ривожланаётганлиги ёки ривожланиш суст бораётганлигини билиб олишга имкон беради .

Жадвал 4

Сигирларни тана тузилиш индекслари (%)

Тана индекси	Кўрсаткичлар
Узуноёқлик	48,2
Чўзинчоқлик	113,5
Кўкракдорлик	69,6
Тос-кўкрак	90,4
Тўлишганлик	148,9
Суякдорлик	15,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пода таркибидаги голштинланган сигирларнинг тана тузилиши индекслари кўрсаткичлари, ҳайвоннинг ривожланиш жараёнини, зотга мансуб сигириларни индекс кўрсаткичларига талбларига жавоб беради. .

3.6. Озуқаларнинг химиявий таркиби.

Маълумки озуқаларнинг тўйимлиги ҳақида тўлиқ маълумот озуқанинг химиявий анализи ўтказилгандан сўнг бу озуқаларга комплекс баҳо бериш мумкин.

Ўрганилаётган озуқалар анализи УзЧИТИ кимё лабораториясида аниқланди ва олинган маълумотлар қуйидаги жадвалда -5 келтириган.

Озуқаларнинг химиявий таркиби

Озуқалар	Ёғ	Клетчатка	Кул	Кальций	Фосфор
Беда (кўк масса)	2,89	32,51	8,204	2,21	0,34
Беда пичани	2,11	27,36	6,38	1,68	0,33
Комбикорм	2,87	11,42	8,65	1,42	0,76
Пахта шроти	0,81	15,38	5,65	0,45	1,00

Тўқимот давомида озуқаларнинг химиявий таркибидаги қуруқ моддалар, протеин, ёғ, клетчатка, намуналардан аниқланди. Олинган намуналарда: 1 кг силосда қуруқ модда 143-382 г учради.. Сигирлар рациониде шакларнинг протеин нисбати 0.8-1.1, крахмални шакларга нисбати 1.8ни ташкил қилиши лозим. Соғин сигирлар рационда ёғ миқдори сигирлар сутининг ёғлиқлик даражасига боғлиқ, агар сутнинг ёғлиғи 0.7% бўлса, у ҳолда озуқа таркибида 0.45% ёғ, силосда 2.6-9.7г бўлиши керак.

Озуқа таркибида макроэлементлар: кальций, фосфор, туз, калий ва олтингурут меъёрида бўлиши лозим.

3.7. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиғи.

Сигирларни сут маҳсулдорлиғини тўғри баҳолаш, фойдаланиш самарасини ошириш учун подадан энг юқори маҳсулдор сигирлар танлаб олинади. Сигирларнинг соғими 4000-5000 кг-га кўтариш наслчилик ишини мустахкамлашдир.

Маълумки қорамолчилиқда сигирларни сут маҳсулдорлиғи қорамол зотида лактация даврига, озиклантириш, парваришлаш, ёши, тирик вазни каби белгиларга боғлиқдир. Шунингдек йил фасли ҳам сут маҳсулдорлиғига ўз таъсирини кўрсатади.

Сут маҳсулдорлиги назорат остида ўтадиган услуби билан аниқланади.

Биз «Саид Комилхон домла » фермер хўжалигии мутахассислар томонидан ўтказилган Польша қора-ола голштин зотига мансуб сигирларини 1-лактациядаги сигирларни сут маҳсулдорлигини ўрганиш натижаларини таҳлил қилдик олинган маълумот 6-жадвалда кўрсатилган.

6-жадвал

Сигирларни сут маҳсулдорлиги

№	Сигир лақаби	Маҳсулдорлиги				
		№ номер	лактация	Сут миқдори кг	Сут ёғи %	Сут ёғи миқдори кг
1.	Вива	0701	1	4762	3,92	186.6
2.	Вика	5568	1	4132	3,90	161.1
3.	Роса	3951	1	4642	3,91	181.5
4.	Баска	3965	1	4138	3,91	161.7
5.	Кинг	1453	1	4251	3,93	167.0
6.	Панна	4846	1	4356	3,92	170.7
7.	Батута	5727	1	4635	3,90	180.7
8.	Дина	7676	1	5847	3,91	228.6

6-жадвалдан кўриниб турибдики энг кўп сут миқдорли сигирлар қуйидагилар бўлган:

1. Вива № 0701 -1 лактация- 4762кг- сут ёғи 3,92%
2. Роса № 3951- 1лактация- 4642кг- сут ёғи 3,91%
- 3 Дина № -7676 -1 лактация- 5847 кг- сут ёғи 3,91%

Польша қора-ола голштин зотига мансуб сигирларининг сут маҳсулдорлиги 4200-5200кг атрофида бўлган. Бу подадги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 1-лактацида юқори бўлганидан далолат беради. Бу эса Польша қора-ола голштин зотига мансуб сигирларининг сут миқдори бўйича 40-100 киллограм орасида фарқ қилган. Лактация давомида ва бир кун давомида соғиб олинган сут таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори ҳам турлича бўлади.

Лактация давомида сут миқдори камая борса, унинг таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори эса кўтарилиб боради. Сигирлар ёшининг ошиши билан сут таркибида бўлган ёғ ва оқсил миқдори кам ўзгаради. Биз йил давомида сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ўзгаришини таҳлил қилдик. ўрганилаётган сигирларнинг ойлар бўйича кунлик сут маҳсулдорлиги қуйдаги жадвалда келтирилган. (жадвал -7)

7.жадвал

Гурухлардаги сигирларнинг ойлар бўйича кунлик сут маҳсулдорлиги

Ойлар	Маҳсулдорлиги	
	Кунлик сут миқдори, кг $M \pm m$ (max)	Ёғ,% $M \pm m$ (max)
Февраль	18,2 $\pm$ 3,7	4,01 $\pm$ 0,1
Март	19.,2 $\pm$ 4,0	3.95 $\pm$ 0,1
Апрель	19.1 $\pm$ 4,0	3.86 $\pm$ 0,1
Май	20,3 $\pm$ 4,0	3.83 $\pm$ 0,1
Июнь	20,2 $\pm$ 3,6	3.83 $\pm$ 0,1
Июль	19,0 $\pm$ 3,7	3.82 $\pm$ 0,2
Август	18.5 $\pm$ 3,0	3.81 $\pm$ 0,2
Сентябрь	18.5 $\pm$ 3,1	3.86 $\pm$ 0,1
Октябрь	17.9 $\pm$ 3.8	3.90 $\pm$ 0,1
Ноябрь	17.5 $\pm$ 4.0	3.94 $\pm$ 0,1
Декабрь	16.7 $\pm$ 3.9	3.94 $\pm$ 0,2
ўртача	18.5 $\pm$ 3.9	3.91 $\pm$ 0,2

Йил давомда сигирларни озиклантириш натижасида сигирларнинг ойлар бўйича кундалик сут миқдори 17.5-19.0кг, жами ўртача 4372 кгни ташкил қилган.

Қиш ва куз ойларида сигирлар сут миқдори камайиши кузатилган. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва сифати лабораторияда текширилган, ва қуйдаги натижалар олинган. (жадвал-8)

Фермер хўжаликлари тўла қимматли бир турда озиқлантиришни жорий этиш, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва сифати таъсири ижобий бўлган.

8.жадвал

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва сифати

Кўрсаткичлар	Маҳсулдорлиги
Кундалик ўртача сут миқдори кг	18.5
Сутнинг ёғдиги, %	3,91
оқсил, %	3,3
Қуруқ модда, %	12,31
СОМО, %	8,63
Кальций, мг %	138
Фосфор, мг %	121

сигирларнинг кундалик сут миқдори , ёғлиги, оқсил қуруқ моддалар кўрсаткичлар юқорилиги аниқланган.

3.8.Сигирлар қонининг клиник ва биохимиявий кўрсаткичлари

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг организмидаги моддалар алманишуви қоннинг морфологик ва биохимиявий кўрсаткичларга боғлиқдир. Бу кўрсаткичлар маълум даражада йил фаслига, зотиға, маҳсулдорлигига, ҳайвоннинг физиологик ҳолатига, озиқлантириш асраш ва парваришлаш каби факторлар, организм алмашинув жараёнларига таъсир этади ва организмда жуда муҳим физиологик функцияларни бажаради. Бу эса организмдаги қонни ўрганиш муҳим эканлигини тасдиқлайди. Ўрганилаётган Польша голштин зотиға мансуб сигирларнинг умумий физиологик ҳолати қонининг клиник ва биохимиявий кўрсаткичлари фасллар бўйича маълумотлар қуйидаги 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Сигирлар қонининг клиник ва биохимиявий кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	Йил мавсумлари		
	Баҳор (п=3)	Ёз (п=3)	Қуз (п=3)
Тана температураси ,°C	38,5±0,04	38,6±0,11	38,9±0,04
1- минутдаги нафас олиш сонлари	36,3±0,29	37,9±0,21	35,7±0,31
1-минутдаги томир уриш сонлари	84,4±0,22	87,0±0,39	86,4±0,39
Гемоглобин, г%	10,7±0,19	10,8±0,28	10,7±0,15
Умумий оқсил, мг%	8,11±0,48	8,93±0,53	8,56±0,12
Кальций, мг%	8,91±0,24	6,00±0,31	6,28±0,4
Фосфор, мг%	4,52±0,12	4,80±0,12	4,64±0,13

Жадвалдаги маълумотлар таҳлиliga кўра, Польшадан голштин зотиға мансуб сигирларнинг умумий физиологик ҳолати нормада бўлган.

Ўрганилаётган кўрсаткичлар шундан далолат бердики, ҳайвонларни йил давомида , гематологик кўрсаткичлари ижобий бўлган.

3.9. Сигирларнинг тирик вазни ва сутдорлик коэффиценти

Сигирларни тўлиқ қийматли озиқлантириш ва яхши шароитда асраш, шунингдек уларни тўғри говмишлантириш (жуда) давомида сут маҳсулдорлигини ошириш, унинг тирик вазнига кун жиҳатдан боғлиқдир. Э.Ю. Карчевский (1984) маълумотларига кўра сигир Ўзбекистон шароитида сутдорлик коэффиценти унинг тирик вазнига боғлиқдир, ўртача тирик вазни 421 кг, 442 кг, 489 кг сутдорлик коэффиценти 705. 768. 765 га тенгдир.

Н Шаймуродов (2008) ўтказган голштинлашрилган сигирларда сут миқдори 90 кун давомида 1441 кг ва сут ёғи чиқими 52.53 кг ташкил этган. Уларнинг тирик вазни юқори бўлган. Куччиев И (2006) маълумотларига қора ола ва голштин зотига мансуб сигирларни тирик вазни ошган сари уларнинг сутдорлик коэффиценти юқори бўлган демак сигирларнинг тирик вазни юқори бўлган (485 кг-726.9 кг ва 498.4 кг-795.4 кг сутдорлик коэффицент бўлган..

Э.Ю. Карчевский (1984 таъкидлашича Ўзбекистон шароитида энг мақбул бўлган тирик вазни 600-650 кг эга сигирлар ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда подани тўлдирувчи ғунажинларни режа асосида ривожланиш даврга қараб парваришlash керак.

Биз « Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида урчитилаётган Польшадан келтирилган қора-ола голштин зотига мансуб сигирларнинг тирик вазни сутдорлик коэффицентиға боғлиқлигини таҳлил қилдик.

Бу маълумотлар қуйидаги 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги тирик вазниға боғлиқлиги

	Кўрсаткичлари		
	Сут миқдори кг	Сутдорлик коэффиценти	Тирик вазни
Голштин зоти	4372	896.1	489.5

Шундай қилиб хўжаликда урчитилаётган сигирларнинг сутдорлик коэффиценти зотға қўйиладиган талабларға жавоб беради.

IV. Сигирларни озуқани сут билан қоплаш хусусиятлари

Қишлоқ хўжалик хайвонларининг маҳсулдорлигини оширишда, саломатлилигини сақлаб туришда, ва наслдорлик хусусиятларини яхшилашда энг муҳим омиллардан уларни озиқлантириш ҳисобланади. Олимларнинг фикрича, қишлоқ хўжалик хайвонларининг маҳсулдорлиги омили билан уларни озиқлантириш даражаси ҳам ошади, шунинг асосида маҳсулот ишлаб чиқариш озуқа сарфи камаяди. Агар хайвонларни озиқлантириш даражаси паст бўлса маҳсулдорлик пасаяди, маҳсулотга озуқа сарфи эса ошади.

Хўжаликда сигирларнинг маҳсулдорлигини баҳолашда уларнинг озуқани сут билан қоплаш хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга, чунки улар 1 кг сут ишлаб чиқаришга қанчалик кам озуқа сарфласа, бу уларнинг шунчалик маҳсулдор эканлигидан далолат беради.

Биз « Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида сигирларни сут маҳсулдорлиги ва сарфланган озуқа миқдорини аниқладик. (2010 йил ҳисобот асосида). Бу маълумотлар қуйидаги 11 жадвалда акс эттирилган.

11-Жадвал.

Хўжаликда сигирлардан соғиб
олинган сут учун озуқа сарфи, озуқа бирлиги

№	Кўрсаткичлар	
1	Лактация давомида сарф бўлган озуқа (озуқа бирлиги)	4449.1
2	1 бошдан соғиб олинган сут миқдори (кг)	4278
3	1 кг сут учун сарф бўлган озуқа бирлиги (кг)	1,07

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики 1 кг сут ишлаб чиқариш учун 1,07 озуқа бирлиги сарф қилинган..

V. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги.

Хўжаликнинг даромади унда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига боғлиқдир. Қишлоқ хайвонларининг маҳсулдорлиги юқори бўлса, уларнинг сифати олий даражада бўлса, хўжаликни иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлади.

Биз « Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида сигирларнинг сут маҳсулдорлигини самарадорлиги даражасини таҳлил қилдик (бухгалтерия ҳисоботлари асосида 2013 йил учун).

Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги соғиб олинган сутни сотиш ва соғиб олинган сут учун бўлган харажатларни сарфини чиқариш йўли билан аниқладик. Бунда қисман соғиб олинган сут учун иш хақи, озуқа сарфи ва бевосита харажатлар ҳисобга олинди. Тадқиқотлар иқтисодий самарадорлиги 12-жадвалда келтирилган.

12-Жадвал.

Тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги

Кўрсаткичлар	
- 1 бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори кг	4278
- 1 литр сутнинг таннархи, сўм	842
- Жами соғиб олинган сутнинг таннархи (харажатлар ҳисоботдан олинган) сўм	3602076
- Жами сутни сотишдан олинган даромад, сўм	5989200
- Олинган соф фойда, сўм	2387124
- Иқтисодий самарадорлиги %	66.2

Жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлили шуни кўрсатадики, хўжаликда 1 бош сигирдан соғиб олинган 1 литр сут барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда унинг таннархи 842 сўмни ташкил этган, сотув нархи 1400 сўмни ташкил қилган. Қилинган харажатлар ва соф фойда ҳисобга олган ҳолда сут ишлаб чиқариш хўжаликни самарадорлиги 66.2% га эришилган.

VI. Хулосалар

Биз «Саид Комилхон домла » фермер хўжалигида олиб борган тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги хулосалар қилдик:

1. Хўжаликда сигирларни рацион асосида боқилади. Бунда озиклантириш шароитида эътибор берилади. Рацион тизимда сигирларни ейиш маҳсулдорлиги ва физиологик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Рационда жами 20.87 озуқа бирлиги мавжуд бўлиб, сигирлардан 1 литр сутга 1,04 озуқа бирлиги сарф қилиш мўлжанланган.
2. Польша қора-ола голштин зотиға мансуб сигирларнинг сигирларни экстерьер кўрсаткичлари, тана қисми ўзаро мутаносиблиги, мустаҳкам конституцияға эғалиги аниқланди.
3. Хўжаликда озуқанинг химиявий анализи натижасиға кўра юқори сифатлиги аниқланди.
4. Польша қора-ола голштин зотиға мансуб сигирларининг сут маҳсулдорлиги 4200-5200кг атрофида бўлган. Бу подадги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 1лактацида юқори бўлганидан далолат беради.
- 5.Йил давомда сигирларни озиклантириш натижасида сигирларнинг ойлар бўйича кундалик сут миқдори 17.5-19.0кг, жами ўртача 4372 кгни ташкил қилган. Қиш ва куз ойларида сигирлар сут миқдори камайиши кузатидган.
6. Польшадан голштин зотиға мансуб сигирларнинг умумий физиологик ҳолати нормада бўлган.
7. қилиб хўжаликда урчитилаётган сигирларнинг сутдорлик коэффиценти зотға қўйиладиган талабларға жавоб беради.
8. Хўжаликда 1 кг сут ишлаб чиқариш учун 1,07 озуқа бирлиги сарф қилинган..
9. Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлили шуни кўрсатадики, сут ишлаб чиқариш учун кетган харажатларни ҳисобға олган ҳолда самарадорлик даражаси 66.2% бўлишиға эришилган.

VII. Ишлаб чиқаришга таклифлар.

Мен «Саид Комилхон домла » фермер хўжалиги шароитидан келиб чиққан холда қуйидаги таклифлар киритмоқчиман:

1. хўжаликда қорамолларни озиқлантириш меъёрини юқори даражага қўйиш лозим, шунингдек уларни тўйимлигини ошириш керак.
2. Подада сигирларни сут махсулдорлигини ошириш мақсадида зоотехникавий тадбирларни режа асосида ўтказиш лозим.
3. Қорамолларни доимий равишда узилишларсиз, бир меъёрда тўйимли озиқалар билан таъминлаш, уларни йил давомида бир типда жадал равишда озиқлантириш лозим.Шунинг учун озуқа ер майдонини кенгайтириш керак.
4. Сунъий уруғлантиришда голштинг зотли буқалардан тўлиқ фойдаланиш лозим.
5. Озуқа сарфини камайтириб масулдорликни оширишни йўлга қўйиш лозим.

Мен шу таклифларни амалга оширишга тарафдорман.

VIII. Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбарлантириш чора-тадбирлари». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПҚ -308. 23.03.2006 й.
2. И.А.Каримов «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбарлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПҚ-842 21.04.2008 й.
3. И.А.Каримов «Ҷаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида унинг бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби 20.03.2009 й.
4. И.А Каримов Ўзбекистон мустақиллигига эришиш остонасида 2011 й
5. Акмальханов Ш.А. Биологические и зоотехнические основы ведения молочного скотоводства в Узбекистане. Ташкент Изд-во «Мехнат», 1993 .160 стр.
6. Акмальханов Ш.А., Мирхидоятов М.М. Производство молока в условиях Средней Азии. Ж.»Животноводство», 1984. с.42-44.
7. Акмалхонов Ш.А. Аширов М.Э. «Бузоқ ва ғунажинларни ўстириш технологияси». Тошкент. 1986 й.
8. Акмалхонов Ш., Аширов М. Қорамолчиликда наслчилик ишининг вазифалари. Ж. «Зооветеринария», № 10, 2009, с.35-37.
9. Акмальханов Ш., Безверхов А, Рахманов Д. Сафлоровый шрот в кормлении животных. Ж. «Зооветеринария», № 10, 2009, с.17-18.
10. Ш.А.Акмальханов Чорва молларини йил давомида бир хил озиқлантириш афзаллиги. Ж. «Зооветеринария» ,№ 3, 2010. б.27-28.
11. М.Э Аширов., Ш.А Акмальханов. и др. «Чорвачиликни ривожлантириш ва соҳада озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича тавсиянома». Тошкент. 2010 йил. УзНИИЖ. “Племэлита”. 20 бет.

12. Ш.А.Акмальханов Мероприятия по раздоя коров в фермерских и индивидуальных хозяйствах (советы животноводам). Ж. «Зооветеринария». № 4 2010. с.27-29.
13. Ш.А.Акмальханов Влияние средств автоматизации доильных установок и системы содержания скота на продуктивность коров и качество молока в условиях жаркого климата. Российская академия сельскохозяйственных наук. 14-ая Международная научно-практическая конференция «Научно-технический прогресс в животноводстве – инновационные технологии и модернизации в отрасли». Подольск, 20-21 апреля 2011 г.
14. Акмальханов Ш.А., Безверхов А.П., Джайлова А.К., Хан Д.М. УЗНПЦСХ Рекомендации по однотипному кормлению коров. Ташкент 2012 г. 14 стр.
15. Карчевский Э. Теория и практика развития черно-пестрого скота в Узбекистане. Ташкент. 1984г.
- 16.. Куччиев У. Чорва парвариши ёхуд март ойида бажариладиган тадбирлар. Ўзбекистон к/х журнали, №3, 2009, 20 б.
17. Қаҳоров А, Дўстқулов С, Собиров П. Қизил чўл зотли сигирлар сут маҳсулдорлиги. Улубление интеграции образования, науки и производства в сельском хозяйстве Узбекистана. Доклады международной научно-практической конференции. Ташкент 2003. 23-25 апреля.
18. Қаҳрамонов Б.А. ва бошқалар. Турли ёшдаги сигирларни сут маҳсулдорлигини боғлиқлиги. Улубление интеграции образования, науки и производства в сельском хозяйстве Узбекистана. Доклады международной научно-практической конференции. Ташкент 2003. 23-25 апреля.
19. Кучиев У.М. Влияние сезонов о тела на молочную продуктивность и воспроизводительные свойства черно-пестрых и голитинизированных коров. Ташкент. 2006г
20. Носиров У ва бошқалар. Қора-ола зотли голштин генотибли сигирларнинг ривожланиши, экстерер хусусиятлари ва сут маҳсулдорлиги. Зооветеринария журнали, №4, 2012, 26-28 б. 21.

21. Носиров У.Н. «Қорамолчилик». Тошкент. 2000 й.

18Носиров У.Н., Усмонов М.Мирхамидов - «Фермер быламани» – Тошкент, «Мехнат» – 2002. ..

22. Нурматов А., Умарова Э., Бойбулов Б., Рахманов Д., Қорамол зотларининг махсулдорлик хусусиятларини яхшилаш ва генофондини сақлаш усуллари. Agroilm. Ўзбекистон қ/х журнали илмий иловаси, № 1, 2008, 176.

23. Соатов У.Р., Носиров У.Н. Исроил давлатининг сут ишлаб чиқариш технологиясида голштин зотли буқалар авлодининг махсулдорлиги. Углубление интеграции образования, науки и производства в сельскохозяйстве Узбекистана. Доклады международной научно-практической конференции. Тошкент. 2003, 23-25 апреля. с123.

24.Щамракулов Р.Х., Карибаев К.К. - +ишло= хыжалик щайвонларини ози=лантириш. Т. “Мещнат” 1998.

25. Шаймурадов Н.М. Голштирилган қора-ола зотли турли вазнда туғилган бузоқларнинг ўсиши ва ривожланиши ва махсулдорлик белгилари. Автореферат .Тошкент. 2008г.

26.. <http://www.google.uz.org>

27.<http://www.yandex.ru>

28.<http://www.rambler.ru>

29.[http://www. biblus.ru](http://www.biblus.ru)

30.<http://www.cagateway.org/index>

31.<http://www.ziyonet.uz>

ИЛОВА

Премикс таркиби ва нормаси. Имкон-премикс

<i>Витамины и микроэлементы:</i>			
А	ИЕ	16200	25000
Оз	ИЕ	1 800	2500
Е ;	мг/кг	60	130
Витамины группы В		-	+
2 п (цинк)	мг/кг	165	120
Си (мель)	мг/кг	45	30
Мп (марганец)	мг/кг	95	90
•Г (Йод)	мг/кг	6,0	4,0
Со (кобальт)^	мг/кг	1,0	1,5
8е (Селен)	мг/кг	1,5	0,5
<i>Другие показатели:</i>			
Сырой протеин	%	24,0	18,5
Сырая	%	9,6	3,6
клетчатка	%	3,6	3,5
Крахмал	г/кг	280	395
Влага не более	%	14,0	14,0
Обменная энергия МЕ	МДж/кг	11,0	11,7
НЕЛ	МДж/кг	6,76	7,03
Кальций	%	0,48	0,92
Фосфор	%	0,65	0,60
Натрий	%	0,19	0,22
Магний	%	0,34	0,26
Зола	%	5,4	5,6
Форма корма		Гранулы 4,5-8 мм или россыпь	Гранулы 3,5 мм
Цена Сум/кг.			

Состав: Соевый шрот, подсолнечный шрот, хлопковый шрот, кукуруза (в том числе экструдированная)*, пшеница, ячмень, продукты переработки кукурузы, масло растительное, премикс Имкон-премикс.

